БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 125 (1129)
24 ИЮНЬ
СЕШАНБА
1958 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари зиммасига колхоз тузумини янада мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва шаҳар ҳамда қишлоқ меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини янада ошириш учун белгиланган тадбирларнинг жуда катта аҳамиятга эга эканлигини колхозчиларга, РТС, МТС ва совхозларнинг ходимларига, барча меҳнаткашларга кенг тушунтириш вазифаси топширилсин.

(КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қароридан).

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорини бутун совет халқи якдиллик билан маъқулламоқда

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Бутун совет халқи каби областимиз меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг «Мажбурий тартибда маҳсулот етказиб беришни ва МТСларнинг иши учун натура ҳақи тўлашни бекор қилиш тўғрисида, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашнинг янги тартиби, нарх ва шартлари тўғрисида» чиқарган қарорини ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг шу масала юзасидан Пленумда қилган докладини зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Шу кунларда Пленум материаллари саноат корхоналарида, транспорт ва қурилиш ташкилотларида, илмий муассасалар ва ўқув юртларида, колхоз, совхоз, МТС ва РТСларда зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда ва халқимиз томонидан қизғин маъқулланмоқда.

Областимиз меҳнаткашлари июнь Пленумининг қарорида ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг докладида баён қилинган фикрларни барча совет кишилари сингари якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар, колхоз тузумини янада ривожлантиришга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва халқ фаровонлигини тобора юксалтиришга қаратилган ғоят муҳим тадбирлар деб билмоқдалар.

Халқнинг бахт-саодати тўғрисида, унинг моддий ва маданий эҳтиёжларини максимал даражада қондириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш — партиямиз бутун фаолиятининг олий қонунидир. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ярим асрдан кўпроқ давр мобайнида ишчи ва деҳқонларнинг иши учун, социализм учун фидокорона кураш билан, жамиятни революцион йўсинда қайта қуриш соҳасида ҳормай-толмай қилаётган буюк ишлари билан бутун совет халқининг чексиз муҳаббати ва зўр ишончига сазовор бўлди. Мамлакатимиз меҳнаткашлари партиямиз сиёсатининг тўғрилигини, бу сиёсатнинг ўз манфаатларини кўзда тутадиган, социалистик ватанимизнинг куч-қудратини янада мустаҳкамлашга ва коммунизм қурилиши суръатларини тезлаштиришга қаратилган сиёсат эканлигини кўп йиллик тарихий тажрибада кўриб ишондилар. Шунинг учун ҳам СССР халқлари, шу жумладан ўзбек халқи ўзининг жонажон партиясига чексиз ишонади ва унга чин кўнгилдан қизғин муҳаббат қўйган.

Партиямизнинг саноат ва қурилишни бошқаришни қайта қуриш, колхоз тузумини янада ривожлантириш ва МТСларни қайта ташкил қилиш юзасидан КПСС XX съезди қарорлари асосида ишлаб чиққан ва бутун халқ томонидан қизғин маъқулланган тадбирлари муваффақиятли суратда амалга оширилмоқда ва ажойиб натижалар бермоқда. Социалистик саноат ва аввало, оғир индустрия давлат планларини тўла ва ошириб бажариб, тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Оғир индустрияни ривожлантириш базасида социалистик қишлоқ хўжалигимизда ҳам қисқа муддат ичида мисли кўрилмаган оламшумул-тарихий ғалабаларга эришилди, колхозлар совхозлар билан биргаликда давлатга озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хомашёсини етказиб берувчи асосий хўжаликлардан бири бўлиб қолди.

Партия томонидан кўрилган тадбирлар натижасида колхоз ва совхозларимиз деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда бу маҳсулотларни давлатга топширишни анча кўпайтирдилар. Кейинги тўрт йил ичида мамлакатда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашнинг ўртача йиллик миқдори аввалги тўрт йилдагига нисбатан дон 22 процент, буғдой 44 процент, мойли экинлар уруғи 34 процент, картошка 28 процент, пахта 12 процент, қанд лавлаги 36 процент, зиғир толаси қарийб икки баравар, гўшт 51 процент, сут 62 процент, тухум 42 процент, жун 41 процент кўпайди. Совет Иттифоқи бир қанча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш соҳасида АҚШга яқинлашиб қолди, баъзи маҳсулотлар бўйича эса унга етиб олди ва ҳатто ўзиб ҳам кетди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашни тўғри ташкил этиш ва ана шу маҳсулотларга иқтисодий жиҳатдан асосланган нархлар белгилаш — колхоз тузумини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини анча ўстириш, мамлакатимиз аҳолисини зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳаммаси билан ва саноатни хомашё билан мўл-кўл қилиб таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эгадир, деб ҳисоблади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги, саноат билан қишлоқ хўжалиги, ишчилар синфи билан деҳқонлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг энг муҳим томонидир. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш социалистик революциянинг биринчи кунлариданоқ В. И. Лениннинг ташаббуси билан умумхалқ аҳамиятига эга бўлган давлат иши сифатида амалга оширилиб келмоқда.

«Колхоз тузумини янада мустаҳкамлаш ва МТСларни қайта ташкил қилиш соҳасида тегишли тадбирлар амалга оширилаётганлиги муносабати билан, — дейилади Пленум қарорида, — **қишлоқ хўжалигида янги шарт-шароит вужудга келдики, бу шарт-шароит қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш системасини ўзгартиришни талаб этади. Эндиликда мажбурий тартибда топшириш ва МТСларнинг иши учун натура ҳақи тўлаш бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашнинг мавжуд тартибини сақлаб қолиш зарурати йўқ. Шу сабабдан, ҳозирги вақтда давлат йўли билан тайёрлашнинг ягона формасига—қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишга ўтиш мақсадга мувофиқдир».**

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми колхозларнинг давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мажбурий тартибда етказиб беришларини ва машина-трактор станциялари, ремонт-техника станциялари ва ихтисослаштирилган станциялар томонидан колхозларда бажариладиган иш учун натура ҳақи тўлашни 1958 йилдан бошлаб бекор қилишни мақсадга мувофиқ деб топди. Колхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат йўли билан тайёрлаш 1958 йилдан бошлаб сотиб олиш тартибида ўтказилади. Давлатни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда колхозларнинг иштирок қилиш даражасини янада тўғрироқ белгилаш учун бундан буён ҳам давлат йўли билан асосий маҳсулотларни, жумладан, дон, картошка, гўшт, сут, жун ва тухум тайёрлаш ҳажмини гектар бўйича ҳисоблаш принципига амал қилинади. Аммо, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ихтисослаштирилганлигига мувофиқ суратда колхозларнинг ана шу маҳсулотларни сотиш нормалари янада кўпроқ табақалаштирилади.

Пленум қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашнинг янги тартиби, нарх ва шартлари тўғрисида КПСС Марказий Комитети Президиуми ва СССР Министрлар Совети томонидан ишлаб чиқилган ҳамда ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг докладида баён қилинган таклифларни тўла маъқуллади.

Областимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорига меҳнат ғайратини янада ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни тобора кўпайтириш учун социалистик мусобақани кенгайтириш, ғўза парваришини намунали ташкил этиш билан жавоб бермоқдалар. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари вазифаси — июнь Пленумининг тарихий қарорини, колхоз тузумини янада мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва шаҳар ҳамда қишлоқ меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини янада ошириш учун белгиланган тадбирларнинг жуда катта аҳамиятга эга эканлигини барча меҳнаткашларга кенг тушунтириб беришдан иборат.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш нархлари ва шартлари тартибини ўзгартириш юзасидан КПСС Марказий Комитети Пленуми ишлаб чиққан тадбирлар мамлакатимиз экономикасини тез ўстиришга ва меҳнаткашларнинг фаровонлигини юксалтиришга, мамлакатимизда коммунистик жамиятни муваффақиятли суратда қуришнинг мустаҳкам негизи бўлган ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ишчилар билан деҳқонлар иттифоқи янада мустаҳкамланади

Областимиз саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари барча совет кишилари қатори КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорини ғоят баланд руҳ билан кутиб олдилар. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар жуда катта тарихий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжатни зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

— Партиямиз Марказий Комитети Пленумининг қарори, — дейди Тошкент транспорт машинасозлиги заводи қуюв цехининг бригада бошлиғи У. Усмонов, — социалистик экономикамизни тағин ҳам зўр бериб ривожлантиришни таъминлайди. Чунки қишлоқ хўжалик маҳсулотларига иқтисодий жиҳатдан асосланган нархлар белгилаш шаҳар аҳолисини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатни хомашё билан мўл-кўл қилиб таъминлашда жуда катта истиқболларни очиб беради. Саноат қанчалик кўп хомашё билан таъминланса, халқ хўжалигимиз учун шунчалик кўп маҳсулот тайёрланади.

Пленум қарорига мувофиқ чорвачилик маҳсулотлари, шунингдек бир қатор қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга сотиш нархлари оширилади. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалик ходимларининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади, аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштириш соҳасида яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш юзасидан қўйилган вазифаларнинг қисқа муддат ичида бажарилишини таъминлайди. Эндиликда қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари шаҳар меҳнаткашларини янада кўпроқ маҳсулот билан таъминлайдилар. Ўз навбатида биз, ишчилар ҳам улар олдида қарздор бўлиб қолмаймиз, колхозчи ва совхоз ишчиларига, РТС, МТС ходимларига бераётган ёрдамимизни тағин ҳам кучайтирамиз, бинобарин ишчилар билан деҳқонлар ўртасидаги алоқа, иттифоқ янада мустаҳкамланади.

Олимлар аҳди

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг ўртоқ Н. С. Хрушчев доклади юзасидан чиқарган ва матбуотда эълон қилинган қарори Ўзбекистон олимларининг диққат марказида турибди. Пахтачилик илмий-текшириш институтининг директори, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги Н. Маннонов ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— Партиямиз Марказий Комитети Пленуми қарорининг ҳар бир сўзи қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини янада юксалтириш тўғрисидаги буюк ғамхўрлик руҳи билан суғорилган. Эндиликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашнинг янги тартиби, нарх ва шартлари белгиланди. Бу эса мамлакатимизнинг пахтакор районлари учун, шу жумладан Ўзбекистон учун катта аҳамиятга эгадир.

Маълумки, колхозларнинг пахтани реализация қилишдан шу вақтгача олган даромадлари тайёрлаш нархлари ва устама мукофотлардан ташкил топган эди. Ана шу устама мукофотлар давлат планининг бажарилишидан қатъий назар тўланар эди. Бундай тартиб иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган колхозларнинг маҳсулотнинг ҳар бир единицаси учун илғор хўжаликларидан камроқ ҳақ олишига сабаб бўлган эди. Масалан, Бухоро область Қоракўл районидаги юқори ҳосилли «Октябрь» колхози ўтган йили топширган пахтасининг ҳар тоннаси учун 4.671 сўм, Бухоро районидаги Калинин номли кам қувват колхоз эса 3100 сўм олди. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш янги тартиби белгиланган ҳозирги шароитда нархлардаги ана шу хилма-хиллик тамомила йўқотилади.

Мажбурий тартибда маҳсулот етказиб бериш ва МТСларнинг иши учун натура ҳақи тўлашнинг бекор қилиниши, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш йўлига ўтилиши ҳам пахтакор хўжаликларни мустаҳкамлашга, шубҳасиз, ёрдам беради.

Янги шароитда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тобора кўп етиштирилади. Биз, олимлар ҳам бу соҳада колхозларга амалий ёрдам берамиз. (ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарори Тошкент область, Октябрь районидаги Калинин номли колхознинг ҳамма далачилик бригадаларида колхозчиларга кенг равишда тушунтирилмоқда. **Суратда:** Агитатор **М. Абдухўжаев** 3-бригада колхозчиларига қарорни ўқиб бермоқда.

И. Глауберзон фотоси.

Колхоз хўжалигини комплекс ривожлантиришнинг янги тадбирлари

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети июнь Пленуми ишчилар синфининг, колхозчи деҳқонларнинг, бутун халқимизнинг ҳаётий манфаатларига доир ғоят муҳим масалани муҳокама қилди. Бу партиямизнинг буюк ғамхўрлигидир.

Пленум қарорида белгиланган тадбирлар колхозларда ердан, техникадан тўла ва унумли фойдаланишда, меҳнат унумдорлигини оширишда, қишлоқ хўжалик экинлари ялпи маҳсулотини кўпайтиришда, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини камайтиришда колхозчиларнинг ғайрат ва ташаббусини янада оширади, уларни янги муваффақиятларга руҳлантиради.

Шуни эътироф қилиш керакки, биз колхознинг етакчи тармоғи пахтачиликка кўпроқ эътибор бериб бошқа даромад манбаларини ривожлантиришга унча аҳамият берилмай келинарди. Пленум бу соҳадаги камчиликларимизни кўрсатиб берди ва хўжаликнинг барча тармоғини комплекс ривожлантириш программасини белгилаб берди.

Бизнинг колхозда кейинги йилларда ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил бошқа илғор колхозлардагидан анча кам эди. Биз ҳосилни ошириш учун унча катта кучга эга эмас эдик. Бунинг устига бошқа манбалардан ҳам кам даромад олинарди. Колхозчиларимиз партия ва ҳукуматимизнинг колхозчи деҳқонлар тўғрисидаги ғамхўрлиги ва катта ёрдамларига таяниб астойдил меҳнат қилдилар. Сўнгги икки йил ичида ҳосил ҳар гектарига 5 центнердан кўпайтирилди. Ҳосил ортиб, даромад кўпайиши натижасида колхоз қолоқликдан чиқди, қишлоғимиз қайта қурилиб обод бўла бошлади.

Колхоз бу йил 740 гектар ерга чигит экқан. Биз давлатга 1450 ўрнига 1670 тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олганмиз. Бунинг учун колхозда ҳамма имконият мавжуд. Ҳосилдорлик оширилиб, маҳсулот таннархи камайтирилса, пахтанинг 70 проценти биринчи сортга топширилса, ана шунинг ўзидан ўтган йилдагига қараганда 700 минг сўм кўп даромад оламиз. МТСнинг иши учун натура ҳақи тўлашдан озод бўлиш ҳам колхозимизга 400 минг сўм қўшимча даромад келтиради. Шундай қилиб, колхознинг даромади бир йилда 1 миллион 47 минг сўмга ортади. Колхозчилар ҳар бир меҳнат кунига сметада белгиланган 9 сўм 53 тийин ўрнига ғалла, чорвачилик маҳсулотларидан ташқари 12 сўм 19 тийиндан нақд пул оладилар.

Колхоз правлениеси, бошланғич партия ташкилоти кам меҳнат сарфлаб, кўп ҳосил етиштиришга алоҳида эътибор бераётир. Ҳар бир центнер пахта етиштириш учун 6,8 тадан меҳнат куни сарфлаш планлаштирган. Биз техникадан кўпроқ фойдаланиб, дала ишларини механизациялаштириш туфайли кам меҳнат сарфламоқдамиз. Ғўза трактор билан икки томонлама парвариш қилинаётир. Ўртоқ А. Нишонов бошлиқ трактор-далачилик бригадаси 210 гектар ернинг ҳар гектаридан 21,5 ўрнига 26 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олган эди. Бригада аъзолари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, гектаридан олинадиган ҳосилни 2 центнерданга оширишга қарор қилдилар. Бригада аъзолари шу мақсад билан ғўза қатор ораларини сифатли парвариш қилаётирлар. Биз культивация, чопиқ, озиқлантириш, ғўзанинг қониб сув ичишини таъминлаш ишларини белгиланган агротехника муддатларида бир-бирига боғлаб олиб бормоқдамиз.

Колхозда амалга оширилаётган бу тадбирлар пахта ҳосилининг эрта етилишига имконият туғдиради. Ҳосилнинг эрта етилиши эса давлатга топшириладиган пахтанинг сифатини яхшилайди. Бу, ўз навбатида олинадиган даромадни кўпайтиради. Шу билан бир қаторда колхозчилар қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланган чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш учун ҳам астойдил курашмоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг янги қарорида давлатга топшириладиган чорвачилик маҳсулотлари—сут, гўшт, ёғ, тери, жун ва бошқаларнинг нархининг оширилганлигини зўр хурсандчилик билан қарши олмоқдалар. Бу, жонажон партиямиз колхозлар хўжалигининг комплекс ривожланиши учун катта ғамхўрлик қилаётганлигини кўрсатади. Биз шаҳар меҳнаткашларига янада мўл-кўл чорва маҳсулотлари етказиб берамиз. Колхозимиз пахтакорлари ва чорвадорларининг асл мақсади шу. Шунда биз КПСС Марказий Комитети июнь Пленумига амалий иш билан жавоб берган бўламиз.

З. ЖАЛОЛОВ,
Ўртасарой районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси.

Ҳар қанча қувонсангиз арзийди

ПАРКЕНТ. (Телефон орқали олинди). Бу яқин орада «Коммуна» колхозига бордингизми? Паркент районидаги бу илғор хўжалик — колхоз қишлоғининг қиёфаси кейинги 3-4 йил ичида жуда ўзгариб кетибди. Янги қурилган уйлар, мактаб ва бошқа маданий-маиший муассаса бинолари колхоз қишлоғига ҳусн қўшиб турибди. Колхозчилар меҳнатларининг самарасидан мамнун бўлиб, тўқ ва фаровон ҳаёт кечирмоқдалар.

Колхоз ҳар йили чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан катта-катта даромад қилади. Бу даромаднинг бир қисми колхозчиларнинг меҳнат кунларига тақсимланса, бир қисми колхозни ободонлаштириш ишларига сарф қилинади. Шунинг учун ҳам колхоз қишлоғи йилдан-йилга кўркамлашиб бормоқда.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг «Мажбурий тартибда маҳсулот етказиб беришни ва МТСларнинг иши учун натура ҳақи тўлашни бекор қилиш тўғрисида, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашнинг янги тартиби, нарх ва шартлари тўғрисида» деб чиқарган қарори колхоз қишлоғига жуда тез тарқалди. Бу муҳим тарихий ҳужжатни радиодан зўр қизиқиш билан тинглаган, газеталардан диққат билан ўқиб чиққан колхозчилар, партия ва ҳукуматимизга минг раҳмат демоқдалар. Қарорда чорвачилик, паррандачилик маҳсулотларининг давлат тайёрлов баҳоси анча ортганлиги, уларни қувонтирмоқда. Шунинг учун улар, бу ғамхўрликка жавобан биз янада унумли меҳнат қиламиз демоқдалар.

«Коммуна» колхози аъзоларининг чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш соҳасидаги ярим йиллик иш натижалари билан танишиб чиқдик. Натижа яхши. Колхозчилар ҳар қанча қувонсалар арзийди. Мавжуд 184 бош соғин сигирдан шу кунга қадар 94500 килограмм ўрнига 121603 килограмм сут соғиб олиниб, йиллик план 128 процент бажарилибди. Моҳир сут соғувчи Салтанат Мирзабоева ўз боқимидаги сигирларнинг ҳар биридан ҳозирга қадар 1231 килограммдан сут соғиб олган. У, йил охирига қадар ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сутни 2200 килограммга етказиш учун курашмоқда. Шунингдек, давлатга гўшт топшириш юзасидан белгиланган ярим йиллик план 106 процент бажарилди. Давлатга 208 центнер гўшт етказиб берилди.

Колхоз яйловларида 1500 та майин жунли қўй боқилаяпти. Ўтган йили бу қўйларнинг ҳар биридан ўртача 2,5 килограммдан жун қирқиб олиниб, ярим миллион сўмга яқин даромад қилинган эди. Бу йил ҳам жун қирқиш муваффақиятли ўтказилмоқда. Моҳир чўпонлардан Шавкат Усмонов, Риза Буйсинов ўртоқлар ҳар бир қўйдан 3-4 килограммдан жун қирқиб олиш учун курашиб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Колхозда паррандачилик ҳам тез ривожлантирилмоқда. Бу ерда мингдан ортиқ товуқ бор. Бу товуқларнинг ҳар биридан ҳозиргача 63 донадан тухум олинди.

Колхоз ғаллазорларида ҳам иш қизғин. 4 комбайн унумли ишлаб турибди.

Колхоз аъзолари чорвачилик маҳсулотларини ва бошқа маҳсулотларни кўплаб етиштириш билан бир қаторда унинг таннархини камайтириш тадбирларини ҳам амалга ошириб келмоқдалар.

Бу ерда ўтган йили фақат чорвачиликнинг ўзидан бир миллиондан ортиқ даромад қилинган эди. Партия ва ҳукуматимизнинг бу янги қарори муносабати билан чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан олинадиган даромад бу йил янада кўп бўлади. Шунинг учун ҳам колхозчилар партиямизга чин қалбдан миннатдорчилик билдирмоқдалар.

Н. РИХСИЕВ.

Колхоз ишлаб чиқаришини янада юксалтириш учун

АНДИЖОН, (ЎзТАГ). КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарори зўр мамнуният билан кутиб олинди. Марҳамат районидаги Свердлов номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Малумар Тожибоев колхозчилар билан қилган суҳбатида ўз таассуротлари тўғрисида бундай деди:

— Колхоз сотиб олган бой техниканинг ҳақини яқиндагина давлатга тўлаб бўлдик. Ишларимиз жадаллашиб кетганлигини ҳаммангиз кўриб турибсиз. Тракторлар тўхтовсиз ишламоқда, чопиқ агрегати ўтган мавсумдагига нисбатан бир ярим гектардан кўпроқ ердаги экинни чопиқдан чиқарди. Ҳозирги вақтда техниканинг эгаси колхознинг бир ўзигина бўлиб қолганлиги сабабли бунга эришдик. Колхозимизга аъзо бўлиб кирган механизаторлар ҳам зўр ғайрат билан ишлаб, катта даромад олмоқдамиз.

Бизнинг ҳисобимизча, мажбурий тартибда маҳсулот етказиб бериш ва МТС нинг иши учун натура ҳақи тўлашдан халос бўлган колхозимиз техника сотиб олиш учун қанча пул сарфланган бўлса, тахминан икки йил ичида ана шу миқдордаги маблағни тежайди. КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарори колхоз ишлаб чиқаришини, шубҳасиз, янада юксалтиради ва биз, қишлоқ меҳнаткашлари бунинг учун Коммунистик партиямиздан самимий миннатдормиз. Коммунистик партиянинг мақсади битта, у ҳам бўлса совет кишисининг ҳаётини гўзал ва бадавлат қилишдир.

Тракторчи Қурбон Абаев КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори ҳақидаги ўз фикрларини зўр иштиёқ билан баён қилиб берди.

— Мен 16 йилдан буён механизатор бўлиб ишламоқдаман, — деди у. — Мен шу йиллар давомида пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун ғайрат билан ишлаб келмоқдаман. Мен хизмат кўрсатаётган далачилик бригадаси 150 гектардан ортиқ ерга чигит экди, ғўзани культивация қилди, суғориш учун эгат олди. Мен кўп йиллар мобайнида тракторда ишлаб келаётган бўлсам ҳам, бу қадар самарали иш қилмаган эдим. Биз, колхозчилар камроқ меҳнат сарф қилиб мўл ҳосил етиштиришдан бир хил даражада манфаатдормиз. Марказий Комитет Пленумининг қарори бизни севикли Ватан бахт-саодати йўлида янгидан-янги меҳнат зафарларига илҳомлантиради.

Свердлов номли колхознинг аъзолари бу йил давлатга камида тўрт ярим минг тонна пахта топшириш ва бу билан ўзбек халқининг уч миллион тонна пахта етиштириш йўлидаги курашига муносиб ҳисса қўшишга якдиллик билан қарор бердилар.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўл бўлади

«Таширмаш» заводининг барча цех ва участкаларида КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарори зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар Пленум қарорини амалга ошириш шаҳар аҳолисини мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидламоқдалар.

— Партиямиз Марказий Комитети Пленумининг қарори, — дейди металлоконструкция цехининг бригада бошлиғи ўртоқ Ахроров, — жуда ўз вақтида кўрилган тадбирдир. Бу тадбирни амалга ошириш натижасида колхозларнинг экономикаси янада мустаҳкамланади, уларнинг хўжалиги комплекс равишда ривожлантирилади, бинобарин колхозчи дўстларимизнинг моддий фаровонлиги тағин ҳам ошади.

Корхонанинг илғор ишчиси ўртоқ Сулаймонов қуйидагиларни айтди:

— Ишчилар синфи билан деҳқонлар ўртасидаги иттифоқ коммунистик жамият қурилиш соҳасида қўлга киритаётган оламшумул ғалабаларимизнинг муҳим манбаларидан биридир. Пленум қарори ана шу жанговар иттифоқни янада мустаҳкамлайди ва ривожлантиради. Коллективимиз Пленум қароридан илҳомланиб, қишлоқ хўжалик заказларини ҳеч сўзсиз ўз вақтида тўла ва ошириб бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

М. МИРҲАМИДОВ,
М. БОЛТАБОЕВ.

Н. С. ХРУШЧЕВ НЕПАЛ ҚИРОЛИ МАХЕНДРА БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев 22 июнда Непал қироли Махендра Бир Бикрам Шоҳ Дева билан суҳбатлашди.

Дўстона ва самимий вазиятда ўтган суҳбат вақтида ҳар иккала томонни қизиқтираётган масалалар юзасидан фикр олишилди.

Суҳбатда СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ҳозир бўлди.

(ТАСС).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Лекция пропагандасига эътибор кучайтирилсин

Оҳангарон шаҳар партия комитети КПСС XX съезди қарорларини амалга ошира бориб, лекция пропагандасини кучайтириш соҳасида бирмунча ишлар қилди. Шаҳар партия комитети ҳамда сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамиятнинг шаҳар бўлими лекторларининг кучи билан шу йилнинг ўтган даври ичида саноат корхоналари, қурилишларда ишлаётган меҳнаткашлар ўртасида 459 та лекция ва сиёсий докладлар ўқилди. Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамиятнинг шаҳар бўлими ҳамда шаҳар партия комитети лекторларидан Арсеньева, Мостиев, Йўлдошев, К. Ким, Плахов, Габрильян ўртоқлар меҳнаткашлар ўртасида «Ёш совет кишисининг маданий ва аҳлоқий қиёфаси», «Совет демократияси — юқори типдаги демократиядир», «Ислом динининг реакцион моҳияти», «Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш», «Комсомолнинг жанговар йўли», «Халқ миллий музикалари ва унинг ривожланиши» каби темаларда лекциялар ўқидилар.

Лекин шаҳар меҳнаткашлари орасида олиб борилаётган лекция пропагандаси ҳозирги куннинг талабига тўла жавоб бермайди. Шаҳар партия комитети лекторлар группаси ҳамда сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамиятнинг шаҳар бўлими аъзоларининг сони 100 га яқин бўлсада, улардан кўплари йил бошидан буён бирон марта ҳам лекция ёки сиёсий доклад қилганлари йўқ. Кўмир разрезининг бош инженери Суслов, шаҳар саноат комбинатининг директори Турсунов, давлат район электростанцияси қурилишининг инженери Нурмуҳамедов ўртоқлар шулар жумласидандирлар.

Маданият ўчоқлари бўлган клубларда, қизил бурчакларда, шунингдек қизил чойхоналарда лекциялар ўқилмаётир. Маҳаллаларнинг меҳнаткашлари, айниқса хотин-қизлар ўртасида лекция жуда камдан-кам ўқилади. Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамиятнинг шаҳар бўлими (правление раиси ўртоқ Шаринов) меҳнаткашлар ўртасида илмий-атеистик темаларда лекциялар ўқишни кучайтириш юзасидан амалий тадбирлар белгилаб чиқмаган.

Оҳангарон йирик саноат шаҳарларидан бирига айланмоқда. Шаҳарда инженер-техник ходимлар ва интеллигентларнинг сони тобора ошиб бормоқда. Аммо шунга қарамай, лекторлар группаси аъзоларининг сони инженер-техник ходимлар ва интеллигентлар ҳисобига тўлдирилмаётир.

Айрим саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари омма ўртасида ишлаб чиқариш темаларида лекция ўқишга эътибор бермаётирлар. Сут-ёғ заводининг директори Шамсутдинова, кон устини очиш разрезининг бошлиғи Мерцалов, ремонт заводининг директори Ткаченко ўртоқлар ўз корхоналаридаги ишчилар ўртасида лекция ва сиёсий докладлар қилмайдилар.

Оҳангарон шаҳар партия комитети меҳнаткашларни идеологик жиҳатдан тарбиялашда муҳим роль ўйновчи лекция пропагандасини ҳар тарафлама кучайтириши зарур. Бунинг учун ҳамма имкониятлар мавжуд.

И. АҲМЕДОВ.

Агитаторнинг ўрни далада

Шаҳар аҳолисини резавор, ҳўл мева, полиз экинлари, сабзавот, картошка ва гўшт билан мўл-кўл таъминлаш учун астойдил курашаётган колхозчиларимиз ва механизаторларимиз бу йил ҳар 100 гектар ер ҳисобига 120 центнердан гўшт ва 410 центнердан сут етиштириш, экинлар ҳосилдорлигини ўтган йилдагига қараганда анча ошириш мажбуриятини олдилар. Ҳозирги кунда далачилик бригадалари ва чорвачилик фермаларида бу мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун кураш тобора қизитилмоқда.

Давлат планининг ва олинган мажбуриятнинг шараф билан бажарилишини таъминлашда колхоз агитаторлари ҳам катта роль ўйнайдилар. Колхоз партия ташкилоти шуни назар-эътиборга олган ҳолда агитколлективни оммавий агитация ишларини яхши олиб бора оладиган, ташкилотчи ва ташаббускор коммунистлар, комсомоллар ва ишлаб чиқариш илғорлари ҳисобига мустаҳкамлаб, унинг фаолиятини хўжаликнинг асосий масалаларини ҳал этишга сафарбар қилмоқда.

Шу кунларда барча оммавий-сиёсий ишлар дала шийпонларига кўчирилган, ҳар бир шийпонда агитаторларнинг ташаббуси билан колхозчилар ва механизаторлар ҳузур қилиб дам оладиган баҳаво жойлар, қизил бурчак, ясли ташкил этилган. Дам олиш пайтларида колхозчилар дала шийпонида радио эшитадилар, агитаторларнинг қизиқарли лекция ва суҳбатларини тинглайдилар, кўнгилли ҳордиқ чиқарадилар.

Коммунист ўртоқ Рўзибой Қодиров бошчилик қилаётган далачилик бригадасига бириктирилган агитаторлар анча намунали ишлар қилмоқдалар. Улар оммавий агитация ишларини бригаданинг ишлаб чиқариши билан бевосита боғлаб олиб бормоқдалар. Агитатор ўртоқ Н. Аҳмедов ҳар куни колхозчиларга халқаро аҳвол, партия ва ҳукуматимизнинг доно ички ҳамда ташқи сиёсати тўғрисида қизиқарли суҳбатлар ўтказади, индивидуал ва бригадалараро социалистик мусобақанинг кечаги якунини анализ қилиб беради. Ўртоқ Аҳмедов бригада дала шийпонини зарур кўргазмали агитация воситалари билан жиҳозлаган, бригада ишлаб чиқариш илғорларини мунтазам равишда ҳурмат тахтасига ёзиб боради, илғорлар тажрибасини фотогазета ва «Жанговар варақа»да ёритади. «Жанговар варақа» ва деворий газета бу бригадада камчиликларни тугатишга ва илғорларни рағбатлантиришга хизмат қиладиган таъсирчан қуролга айлантирилган. Бригадада хўжалик планлари ҳамма кўрсаткичлар бўйича доим ортиғи билан бажарилиб келаётганлигига оммавий-сиёсий ва ташкилий-маданий ишларнинг яхши йўлга қўйилганлиги ҳам ўзининг самарали таъсирини кўрсатаётир.

Шокир Исмоилов, Элик Кўчқоров ўртоқлар бошчилигидаги бригадаларда ҳам агитаторлар зўр ташаббускорлик кўрсатиб ишламоқдалар. Бир вақтлар ўртоқ Кўчқоров бошлиқ бригада экинларни парвариш қилишда бошқалардан анча орқада қолиб кетди. Бригада бошлиғи ва агитаторларнинг етарлича ташаббус кўрсатмаётганликлари, бригада аъзолари ўртасида меҳнат интизоми бўшашиб кетганлиги колхоз партия ташкилоти томонидан кўрсатилганидан кейин агитаторлар ишдаги камчиликнинг асосий сабабларини синчиклаб ўргана бошладилар. Кунларнинг бирида колхозчилар билан бамаслаҳат гаплашиб олинди. Агитатор Аҳмедов бошқа бригадалардаги намунали ишларни мисол қилиб кўрсатаркан, ҳар бир колхозчи меҳнатга онгли равишда муносабатда бўлиб, сифатли ва унумли ишласа, унинг ўзи учун ҳам, бригадаси ва колхоз бўйича умумий юксалишга эришиш учун ҳам катта фойда келтиришини конкрет мисолларда кўрсатиб берди, дангасалик қилаётган айрим колхозчиларни, бўлса-бўлар бўлмаса ғовлаб кетар қобилида ишлаётган айрим механизаторларни таъсирли қочиримлар билан қаттиқ уялтирди.

Суҳбат қизғин тус олиб кетди. Жонкуяр колхозчилар ва активлар колоқликни тезда тугатишга қаратилган конкрет таклифлар киритдилар, бригадани тез вақт ичида илғорлар қаторига етказиб олишга қарор қилинди. Бригада бошлиғи ва агитаторлар бу йиғилишда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши учун изчил кураш олиб бордилар. Натижада бир ҳафта ўтар-ўтмас нормани бажармайдиган, ишга чиқмайдиган ва сифатсиз ишлайдиган битта ҳам колхозчи қолмади.

Колхоз партия бюроси оммавий-агитация ишларини кенг қизитиб юбориш ва унинг савиясини тўхтовсиз ошириш мақсадида ҳар 10 кунда агитаторлар учун семинар ўтказиб турибди.

Шу билан бир қаторда оммавий агитация ишларини бевосита дала шийпонларига кўчириш, унинг таъсирчанлигини ошириш соҳасида маълум камчиликларга ҳам йўл қўйилаётир. Биз сиёсий агитациянинг ҳамма формаларидан ҳам яхши фойдаланаётганимиз йўқ. Колхоз партия ташкилоти мана шу камчиликларни узил-кесил бартараф қилиш учун курашмоқда.

Қодир ОТАМУҲАМЕДОВ,
Қорасув районидаги Свердлов номли колхоз партия ташкилотининг секретари.

Цех партия ташкилотлари ишини янада яхшилаш учун

Тошкент темир йўл узелининг партия комитети яқинда узелга қарашли корхоналар цех партия ташкилоти секретарларининг семинарини ўтказди. Семинарда бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини янада активлаштиришга қаратилган кўпгина фойдали йўл-йўриқлар кўрсатилди.

Тошкент проводниклар резерви партия комитетининг секретари ўртоқ Ахманова цех партия ташкилотларининг партиявий-ташкилий ишларни қандай олиб боришлари кераклиги тўғрисида доклад қилди.

Узел партия комитетининг секретари ўртоқ Лухманов семинар қатнашчиларига цех партия ташкилотларининг оммавий-сиёсий ишларни олиб бориш соҳасидаги вазифалари ҳақида сўзлаб берди.

Семинарда бир қанча цех партия ташкилотларининг секретарлари иш тажрибаларини ўзаро ўртоқлашдилар.

Д. КОЗЛОВ.

Йиллик планни муддатидан илгари бажарайлик!

Область ҳунармандларининг муваффақияти

Тошкент область ҳунармандчилик кооперациясининг ходимлари меҳнаткашларга кўплаб кенг истеъмол моллари етказиб бериш учун социалистик мусобақани ривожлантириш натижасида катта муваффақиятга эришдилар. Улар ярим йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш планини 12 июнда тўла бажардилар ва пландан ташқари яна 8 миллион сўмлик турли буюмлар тайёрлашга аҳд қилдилар. Жумладан, 12 минг жуфт пойафзал, 35 тонна кондитер маҳсулотлари, 400 минг сўмлик мебель, 250 тонна бўёқ, 5 миллион сўмлик тикувчилик буюмлари ва бошқа ҳар хил кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилади.

Область ҳунармандчилик кооперацияси системасидаги корхоналар сони тобора ортмоқда. Шу ярим йил ичида Янгийўл шаҳарида ғишт заводи, Тошкент районида кўн заводи, Сирдарё ва Бекобод районларида қамишдан бинокорлик материаллари тайёрловчи заводлар, шунингдек Янгибозор қишлоғида иккита оҳак печи ишга туширилди.

КПСС Марказий Комитети май Пленумининг химия саноатини ва айниқса синтетик материаллар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ҳақидаги қарорларига амал қилган областимиз ҳунармандлари синтетик материаллардан буюмлар тайёрлашни яхши йўлга қўймоқдалар. Йил охиригача меҳнаткашларга синтетик материаллардан ишланган 20 миллион сўмлик турли маҳсулотлар етказиб берилади.

Ҳунармандчилик артеллари коллективлари областимиз аҳолисига кўплаб сифатли кенг истеъмол буюмлари етказиб бериш учун ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, иш процессларини механизациялашга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Шахтёрлар ғайрати

9-шахта коллективи Оҳангарон шаҳридаги илғор корхоналардан биридир. Шахтёрлар йил бошидан бери пландан ташқари 15 минг тоннадан кўпроқ кўмир қазиб чиқардилар.

Тошкент Халқ хўжалик кенгаши ва область касаба союз Советининг кўчма Қизил байроғини ўз қўлларида сақлаб қолиш учун астойдил ҳаракат қилаётган кончилар ўртасида Николай Мамай ташаббуси кенг қулоч ёйган. Коммунист ўртоқ Ф. Хон раҳбарлигидаги участка ишчилари нормаларини доимо ортиғи билан бажараётирлар. Участка ҳозиргача пландан ташқари 8 минг тоннадан ортиқ ёқилғи берди. Навалоотбойчилардан Каримов, Қосимов, Алиев ва Минглиев ўртоқлар сменада нормадан ташқари 2,5-3 тонна кўмир қазимоқдалар.

Оҳангаронликлар бошқа кўмир ҳавзалари коллективларининг тажрибаларини ҳам кунт билан ўрганиб, уларни ўзларида жорий қилаётирлар. Яқинда бир группа ўзбек шахтёрлари Подмосковье кўмир ҳавзасига бориб келди. Оҳангаронликлар у ердаги кўмир комбайнларининг иш тажрибаси ва уни Оҳангарон шахтасида қўллаш имконини ўргандилар.

Ф. ПЕТРОВ.

Илғорликни қўлдан бермаётирлар

Ўтган биринчи кварталин ишлаб чиқаришда катта ютуқлар билан якунлаган тўқимачилик-галантерия фабрикасининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари шу кунларда айниқса ғайрат билан меҳнат қилаётирлар. Коллектив 6 ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш программасини 17 июндаёқ бажариб, планга қўшимча равишда бир неча юз минг сўмлик кенг истеъмол моллари тайёрлаб берди.

КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қароридан руҳланган фабрика ишчилари кенг истеъмол буюмларини янада кўпроқ ишлаб чиқариш учун курашаётирлар. Абажур шнурлари ва попуклари, жуда кўп хил резинадан тайёрланадиган турли буюмлар ишлаб чиқариш процесслари тўла автоматлаштирилди. Бу эса корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини тинмай камайтириш имконини бермоқда.

Корхона ишчилари ўртасида ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракати тобора авж олаётир. Яқинда 2-тўқув цехининг мастер ёрдамчиси ўртоқ Незнамов тўқув станогининг батан-тароқларини бирмунча кўпайтирди. Натижада резина ленталари ишлаб чиқариш анча ошди ва унинг таннархи хийла арзонлашди.

Фабрика коллективи 1958 йилнинг иккинчи ярим йилини юқори кўрсаткичлар билан якунлаш учун ички резервларни ишга солаётир.

Т. ХУДОЁРОВ.

Тошкент ирригация машинасозлиги заводининг коллективи ЗПМ-1 маркали землесослар ишлаб чиқаришни тобора кўпайтираётир. **Суратда:** корхонанинг илғор ишчиси **Я. Мирхидоятов** землесос дизелини йиғмоқда.

В. Салов фотоси.

КПСС делегацияси Москвага қайтиб келди

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Чехословакия Коммунистик партиясининг XI съездида қатнашган делегацияси шу йил 22 июнда «ТУ-104» самолётида Прагадан Москвага қайтиб келди. Делегация составида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари А. И. Кириченко (делегация раҳбари), КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. И. Устинов, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари Н. Н. Родионов ўртоқлар бор эди.

СССР ҳукуматининг ГФР ҳукуматига норозилиги

СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико 21 июнда Германия Федератив Республикасининг Москвадаги элчиси Г. Кролльни СССР Ташқи ишлар минситрлигига таклиф этди ва унга қуйидаги баёнотни қилди:

20 июнда Бонндаги Совет Элчихонаси олдида Совет Иттифоқига нисбатан душманлик мақсадида иғвогарлик қилинган. Элчихона ёнига тўпланган 400 га яқин безори ва иғвогар Совет Иттифоқи шаънига ҳақоратдан иборат шиорларни такрор-такрор айтганлар ва Элчихона биносига тошларни ва сиёҳ солинган шишаларни irритганлар. Барвақт етиб келган полиция отрядлари қутуриб кетган безориларга амалда халақит бермаганлар. Бунинг натижасида Элчихона биносининг дераза ойналари синдирилган, Элчихона фасадининг кўп қисми эса сиёҳ билан булғанган.

Германия Федератив Республикасининг расмий маъмурлари тайёрланган иғвогарликдан бехабар қолишлари мумкин эмас эди, чунки Ғарбий Германиядаги баъзи газеталар бу воқиа арафасидаёқ Совет Элчихонасига қарши душманлик намойиши тайёрланаётганлигини кўрсатувчи хабарларни босиб чиқарган эдилар. Матбуотда йўл қўйиб бўлмайдиган ана шу хуруж қайси вақтда ўтказилиши кераклиги ҳам кўрсатилган эди. Совет Элчихонаси мазкур хабарларга Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар министрлигининг эътиборини жалб этган эди. Шу билан бирга, Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлими бошлиғининг ўринбосари ана шу хабарлар Ташқи ишлар министрлигига маълум ва Германия Федератив Республикасининг Совет Элчихонасига қарши душманлик руҳидаги хуружларнинг олдини олиш учун тегишли чораларни кўради, деган эди. Аммо, бундай қилинмади. Бунинг устига тартибни сақлаш учун келган полициячиларнинг бутун хатти-ҳаракати иғвогарлик ташкилотчиларининг ҳаракатларини полиция очиқдан-очиқ рағбатлантириб турганлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, Германия Федератив Республикасининг маъмурлари СССРнинг Германия Федератив Республикасидаги Элчихонасининг хавф-хатарсиз бўлишини таъминлаш юзасидан ўзларининг энг ибтидоий бурчини бажармадилар ва бу билан халқаро ҳуқуқнинг ҳамма томонидан қабул қилинган қоидаларини буздилар.

Шу муносабат билан Совет Ҳукумати Бонндаги Совет Элчихонасига нисбатан йўл қўйиб бўлмайдиган даражада қилинган душманлик ишларига қарши Германия Федератив Республикаси Ҳукуматига норозилик билдиради. Совет Ҳукумати ана шу иғвогарликнинг ташкилотчилари жавобгарликка тортилсин, деб талаб қилади ва Германия Федератив Республикаси маъмурларининг келгусида бундай ҳолларнинг такрорланишига йўл қўймайдиган зарур тадбирларни кўришларини кутади.

Удмуртиянинг ўз ихтиёри билан рус давлатига қўшилганлигининг 400 йиллиги

ИЖЕВСК, (ТАСС). Удмуртия Автоном Совет Социалистик Республикасидаги шаҳарлар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари Удмуртиянинг ўз ихтиёри билан рус давлатига қўшилганлигининг 400 йиллигига бағишланган катта миллий байрамни кенг равишда нишонламоқдалар.

Бугун Ижевскда Республика Олий Совети ва Министрлар Советининг КПСС Удмуртия область комитетининг шу улуғ воқеага бағишланган тантанали мажлиси бўлди.

Мажлисда Удмуртия АССР Министрлар Совети раиси П. П. Сисоев доклад қилди.

Доклад тамом бўлгандан кейин КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, Россия Федерацияси Министрлар Советининг раиси Д. С. Полянский СССР Олий Совети Президиумининг Удмуртия Автоном Совет Социалистик Республикасини Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги фармонини ўқиб берди ва ҳукуматнинг бу олий мукофотини мажлисдагиларнинг гулдурос қарсаклари остида республика раҳбарларига топширди.

Сўнгра Д. С. Полянский Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг, СССР Олий Совети Президиуми ва ҳукуматнинг топшириғига биноан Россия Федерацияси Олий Советининг Президиуми ва ҳукумат номидан Удмуртия республикаси меҳнаткашларини катта миллий байрам билан ва Ватаннинг олий мукофоти — Ленин ордени топширилганлиги билан қизғин табриклади.

Д. С. Полянский Россия Федерацияси Олий Совети Президиумининг ва Министрлар Советининг топшириғига биноан шонли 400 йилликни нишонлаб, удмурт халқига рус ва удмурт халқлари дўстлигининг символи тариқасида бадиий қутини совға қилиб топширди.

Сўнгра Д. С. Полянский ишлаб чиқаришдаги жуда катта муваффақиятлари ва Удмуртия АССР саноати ва қишлоқ хўжалигида меҳнатнинг янги прогрессив методларини ўзлаштиришга ва жорий қилишга катта ҳисса қўшганликлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган кишиларга СССР Олий Совети Президиумининг топшириғига биноан Ленин орденини ҳамда «Ўроқ ва Болға» олтин медалларини топширди. Бир группа ўртоқларга Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари ва ҳукуматнинг бошқа мукофотлари топширилди.

Тантанали мажлисда СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига, КПСС Марказий Комитетига ёзилган хат, шунингдек улуғ рус халқига, РСФСР Олий Совети Президиуми ва РСФСР Министрлар Советига ёзилган хат зўр қувончи билан қабул қилинди.

Маъмуриятнинг хўжалик фаолияти устидан контролликни янада кучайтирамиз

Маъмуриятнинг хўжалик фаолияти устидан контроллик қилиш — партия ташкилотларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг «Саноат ва қурилишни бошқаришни ташкил қилишни янада такомиллаштириш ҳақида»ги қароридан кейин партия ташкилотларининг бу соҳадаги вазифаси анча мураккаблашди. Чунки янги шароит саноат корхоналари ва қурилишларда ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйиш, бу соҳада коммунистларнинг бевосита иштирок этишини таъминлаш ва уларга таянган ҳолда хўжалик раҳбарларининг фаолияти устидан контролликни кучайтиришни талаб этди.

Октябрь революцияси номли паровоз-вагон ремонт заводи партия ташкилоти бу вазифани амалга ошириш мақсадида ўтган йилнинг март ойида корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятига раҳбарлик қилишни қайта ташкил этиш масаласини партия-хўжалик активи йиғилишининг муҳокамасига қўйди. Йиғилишда коммунистлар ва партиясиз активлар бошқарув аппаратидаги ортиқча звеноларни тугатиш, айрим цехларни бирлаштириш юзасидан қимматли таклифлар киритдилар.

Партия ташкилоти ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйиш ва унга раҳбарлик қилишни яхшилаш тадбирларини белгилаганида омманинг фикрини ҳисобга олди ҳамда уни амалга ошириш учун курашди. Натижада айрим цехлар ва завод бошқармасидаги бўлимлар бирлаштирилди. Бу, бошқарма аппаратидаги бир неча малакали ходимни қўшимча равишда ишлаб чиқаришга ажратиб бериш, иш ҳақи фондини қисқартиш ҳисобига давлатнинг кўпгина маблағини иқтисод қилиш имконини берди. Бинобарин маҳсулотнинг таннархи бирмунча арзонлашди.

Ҳаммадан муҳими шундаки, бошқарув аппаратининг иши қайта қурилганидан кейин ишлаб чиқариш участкаларига раҳбарлик қилиш системасида тубдан ўзгариш юз берди. Хўжалик раҳбарлари ўртасида илгарилари рўй бериб келган сансалорлик ва улар фаолиятидаги сусткашлик барҳам еди. Улар топширилган иш учун масъулиятни сезган ҳолда оператив ишлайдиган бўлиб қолдилар. Бу соҳада бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлган коммунистлар, завод партия комитети ва цех партия бюроларининг аъзолари томонидан ишлаб чиқариш участкаларидаги ишнинг аҳволи устидан олиб борилаётган коллектив контроллик, улар хўжалик раҳбарларига кўрсатаётган амалий ёрдам катта роль ўйнамоқда.

Маъмуриятнинг хўжалик фаолияти устидан партия контроллигини олиб боришдан мақсад, даставвал, давлат планининг, маҳсулотнинг ҳажмини ошириш юзасидан берилган топшириқнинг бажарилишини таъминлашдан иборат. Партия ташкилоти масаланинг бу томонига ҳамма вақт алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ўтган йили заводда давлат томонидан белгиланган план тўла бажарилди. Маҳсулотнинг ҳажми 1956 йилдагига нисбатан 8 процент ошди, унинг таннархи эса 7,8 процент камайди.

Завод партия комитети ва цех партия бюроларининг аъзолари партиявий ишнинг маълум соҳасига жавоб бериш билан бирга маъмуриятнинг хўжалик фаолияти устидан контроллик олиб боришда партия ташкилотига яқиндан ёрдам бериб ҳам борадилар. Завод партия комитетининг январь ойида бўлиб ўтган мажлисларидан бирида партия комитетининг уй-жой қурилиши ва маданий-маиший ишларни йўлга қўйиш масаласи билан шуғулланувчи аъзоси ўртоқ А. Бедрин пўлат қуйиш цехида планнинг бажарилиши хавф остида қолганини кўрсатди. Шу билан бирга у, цех коллективига амалий ёрдам кўрсатиш масаласини кўтарди. Партия комитетида қабул қилинган қарорга мувофиқ у ерда ишловчи барча коммунистлар ва активларнинг иштироки билан бевосита цехда партия комитетининг кенгайтирилган мажлиси ўтказилди. Мажлис қатнашчилари цехда юз берган аҳволни атрофлича муҳокама қилдилар.

Цех коммунистлари, мажлисга таклиф этилган ишлаб чиқариш илғорлари ишга халақит бераётган бир қатор камчиликларни очиб ташладилар ва уни бартараф қилиш юзасидан амалий таклифлар киритдилар. Цехда давлат планининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган конкрет тадбирлар белгилаб, қарор қабул қилинди. Аммо иш бу билангина тугамади. Завод партия комитети ва цех партия бюроси қабул қилинган қарорнинг бажарилиши устидан, унда белгиланган тадбирларни хўжалик раҳбарлари қандай амалга ошираётганликлари устидан қаттиқ назорат қилиб бордилар. Натижада цех ўпирилишдан чиқди ва февраль ойи планини ошириб бажарди.

Ёки бошқа бир мисолни олайлик. Ремонт-комплектлаш цехининг слесарларидан коммунист Аҳатов ва Коротков ўртоқлар паровоз узелларини комплектлашни ташкил қилиш яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳақидаги масалани цех партия бюросида муҳокама қилишни таклиф этдилар. Уларнинг талаби амалга оширилди. Партия бюроси зарур чоралар кўрганлиги туфайли цехда иш бир меъёрда давом этадиган бўлиб қолди.

Аммо завод партия комитети ва цехларнинг партия бюролари маъмуриятнинг хўжалик фаолияти устидан партия контроллигини ана шундай йўл-йўлакай олиб бориш билангина чекланаётганлари йўқ. Партия комитети ва цехларнинг партия бюролари айрим бригада, участка, цех ва завод бошқармаси бўлимлари ишидаги камчиликларни, шунингдек яқин келажакда улар олдида турган вазифаларни ҳисобга олиб, ҳар ой учун муҳокама қилинадиган масалаларни алоҳида планлаштиради. Жумладан, 1957 йили партия контроллигини амалга оширишга таалуқли «1957 йилнинг I кварталида пўлат қуйилма ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши», «Чўян қуйиш цехида техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволи», «Заводда ихтирочилик таклифларининг амалга оширилиши», «Маҳаллий миллат кадрларини тайёрлаш ва ишлаб чиқаришга жалб этиш ҳақида» ва бошқа масалалар партия комитети мажлисида муҳокама қилинган эди. 1958 йилнинг ўтган ойлари мобайнида эса «Январь ойининг биринчи декадасида паровоз цехлари группасининг қониқарсиз ишлаганлиги», «Арматура ва паровоз-йиғиш цехларининг иши», «Завод цехларининг иш режими», «Заводда янги техникадан фойдаланиш ҳақида»ги масалалар муҳокама қилинди.

Бундан ташқари партия контроллигига алоқадор масалаларни коммунистлар ва партиясиз активларнинг кенг муҳокамасига қўйиш мақсадида завод миқёсида очиқ партия йиғилишлари ҳамда партия-хўжалик активи йиғилишлари ҳам ўтказиб турилади. Бу партия контроллигини кенг кўламда олиб бориш билан бир қаторда коммунистлар ва партиясиз активларни ишлаб чиқаришнинг аҳволи ҳақида қайғуриш, давлат планларининг бажарилиши учун кўпроқ жон куйдириш руҳида тарбиялаш имконини ҳам бераётир.

Очиқ партия йиғилишларида, партия-хўжалик активи йиғилишларида фақат коммунистларгина эмас, балки кўпгина партиясиз ишлаб чиқариш илғорлари ҳам ишдаги камчиликларни ва унинг сабабларини очиб ташлайдиган, ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўйишга қаратилган конкрет таклифларни дадил олдинга сурадиган бўлиб қолдилар. Паровоз цехининг слесари Гурков, пўлат қуйиш цехининг формовшчиги Усков, механика цехининг ишчиси Золотов, қозон цехининг ишчиси Мажидов ва бошқа ўртоқлар шулар жумласидандир.

Бироқ, маъмуриятнинг хўжалик фаолияти устидан партия контроллиги олиб бориш соҳасида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Айрим цехларнинг партия ташкилотлари бу ишни бўш ташкил этмоқдалар. Транспорт цехида ҳаракатдаги темир йўл составлари ва автомашиналарнинг бекор туриб қолиш ҳоллари тез-тез учраб туради. Бу ерда меҳнатни ташкил қилиш, ишчиларни участкаларга тақсимлаш каби масалаларда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Бу ҳол, албатта, цех хўжалик раҳбарларининг айби билан юз бермоқда. Партия ташкилоти эса улардан ишни тўғри ташкил этишни ва ишлаб чиқаришда қаттиқ тартиб ўрнатишни чинакамига талаб этмаётир. Партия бюроси ва унинг секретари партия контроллигини у ёки бу масала юзасидан хўжалик раҳбарларининг ҳисобини эшитиш ва қарор қабул қилишдангина иборат деб тушунади. Аслида эса партия контроллиги қабул қилинган қарор ва унда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши учун курашни ташкил қилиш, бутун коллективни унга сафарбар этишдан иборат бўлиши керак. Шу билан бир қаторда хўжалик раҳбарларидан давлат планининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан партия ташкилоти қабул қилган қарорларни бажаришни қаттиқ туриб талаб этиш ва айни вақтда уларга ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйишда амалий ёрдам ҳам бериш лозим.

Бу вазифани ремонт-механика цехи партия ташкилоти (секретари ўртоқ Коновалов) ҳам етарли тушуниб олмаган. Цехда асбобларни сифатсиз ремонт қилиш, ремонт графигига риоя этмаслик фактлари юз бермоқда. Цех партия ташкилоти эса хўжалик раҳбарларидан ремонтнинг сифатини яхшилаш, ишлаб чиқаришни бир меъёрда ташкил этиш юзасидан зарур чоралар кўришни талаб этмаётир.

Шунингдек, қуюв цехларининг партия ташкилотлари ҳам маҳсулотнинг сифати устидан контролликни яхши йўлга қўйганлар, деб бўлмайди. Пўлат қуйиш цехида ҳам, чўян қуйиш цехида ҳам кўплаб бракка йўл қўйилмоқда ва бу билан давлатга катта зарар келтирилаётир.

Заводда бу йил чиқариладиган маҳсулотнинг ҳажми янада оширилиши керак. Бундан ташқари корхона коллективи тепловозларни ремонт қилишни ўзлаштириши лозим. Ҳозирги вақтда завод қайтадан реконструкция қилинмоқда. Оснастка ва мосламалар тайёрланаётир. Янги иш процесси технологияси ишлаб чиқилмоқда. Цехлар учун янги корпуслар қурилаётир.

Шу муносабат билан завод партия ташкилоти ва унинг барча коллективи олдида жуда катта ва мураккаб вазифалар турибди. Маҳсулотнинг ҳажмини планда белгиланган миқдорга етказиш ва ундан анча ошириб юбориш, тепловозлар ремонтини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни тез ва тўла ҳал этиш керак.

Партия комитети бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун, даставвал, коммунистларнинг барча соҳаларда шахсан намуна кўрсатиб ишлашини таъминлаш, уларнинг ишлаб чиқаришдаги роли ва коллектив ўртасидаги таъсирини янада ошириш юзасидан барча зарур чораларни кўради. Айни вақтда бу маъмуриятнинг хўжалик фаолияти устидан партия контроллигини янада кучайтириш имконини беради.

Е. ГАЦКЕВИЧ,
Октябрь революцияси номли паровоз-вагон ремонт заводи партия комитетининг секретари.

Қисқа сатрларда

◆ **Сирдарё.** Охунбобоев номли колхоз правлениеси колхоз аъзоларини иссиқ овқат билан таъминлаш мақсадида далага яқин жойда ошхона қуриб ишга туширди. Ошхонада тайёрланаётган арзон нархдаги турли таомлар колхозчиларга манзур бўлмоқда.

С. Турдиев.

◆ **Қуйи Чирчиқ.** Энгельс номли колхозда яқинда 450 ўринлик янги клуб биноси битказилиб, фойдаланишга топширилди. Янги клуб колхоз аъзоларига маданий хизмат кўрсатаётир.

М. Шаменов.

◆ **Бекобод.** Мичурин номли колхозда яқинда катта қизил чойхона биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Кечқурунлари колхоз аъзолари янги чойхонада маданий ҳордиқ чиқармоқдалар.

Н. Холматов.

◆ **Оққўрғон.** Районнинг «Октябрь 40 йиллиги» колхозида янги электростанция ишга туширилди. Ҳозир колхознинг «Октябрь 30 йиллиги» участкаси янги станциядан электр токи олаётир.

У. Оқмирзаев.

✦ **Тошкент** районидаги «Сталинград» ва «Қизил шарқ» колхозларида янги радиоузел қурилиб ишга туширилди. Колхоз дала шийпонлари, маданий муассасалар ва 500 колхозчи хонадонларига радио тўчкалари туширилди.

М. Зокиров.

МАМЛАКАТГА 500 МИНГ ТОННА ПАХТА БЕРАМИЗ!

Ривожланишдан кечикаётган ғўзаларни парвариш қилишга алоҳида эътибор бериб, олдинги ғўзалар қаторига етказиб олайлик!



Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозида ўсишдан кечикаётган ғўзаларни алоҳида парвариш қилиш, шу йўл билан барча майдонда мўл ҳосил етиштириш учун колхозчилар ва механизаторлар астойдил меҳнат қилмоқдалар. **Суратда:** тракторчи ўртоқ **Х. Умматов** ғўзани кўндалангига культивация қилиш билан бирга уни ўғитлаб ҳам кетаётир. **В. Салов** фотоси.

Мусобақадошларимизнинг ишидан қаноатланмадик

Мўл ҳосилнинг тақдири шу кунларда ҳал қилинади. Ривожланишдан қолган ғўзаларни сифатли парвариш қилиб, яхши ғўзалар даражасига етказиб оладиган пайт ўтиб бормоқда. Ишнинг кўзини билган, фурсатни қўлдан бой бермаган деҳқон ғўзани ёввойи ўтдан тозалаб, озиқлантиради, қондириб суғоради, вақтида сифатли культивация ҳамда чопиқ қилади. Шу ишлар ўз вақтида бажарилмаса, ҳосил анча кам бўлади.

Октябрь районидаги Сталин номли колхоз илғор, юқори ҳосилли қишлоқ хўжалик артелларидан ҳисобланади. Колхоз раиси ўртоқ Ғ. Далибоев тажрибали раислардан. Шундай бўлгач, бу колхозда ғўза парваришини ёмон уюштирилганлигига, иш ўзибўларчиликка ташлаб қўйилганлигига ким ишонади?

Райком ва район ижрокомининг берган графигига кўра 10 кунда колхоз бўйича 547 гектар ердаги ғўза озиқлантирилиши керак, ўғит етарли, техника бор. «6 та СУЗ ишлаб турибди», аммо меҳнат тўғри ташкил қилинмаганлиги, имкониятлардан тўла фойдаланилмаётганлиги сабабли энди 270 гектар ердаги ғўза озиқлантирилибди.

— Ғўзани озиқлантириш юзасидан берилган график нега бажарилмади? — сўрадик биз раисдан.

— Аввало ғўзаларни ёввойи ўтдан тозалаб, сўнгра озиқлантиришимиз керак эди, — жавоб берди у,— аммо иш зиқ келиб қолиб, унисини ҳам, бунисини ҳам кечиктириб юбордик, эплолмай қолдик...

— 603 ўринга атиги 308 гектар ердаги ғўза суғорилганининг боиси нимада, сув камми?

Раис индамади, чунки у сув ариқларда тўлиб оқаётганини, ҳатто кўчаларга тошиб, исроф бўлаётганини биларди. 1719 гектар пахта майдонига эга бўлган бу колхозда 122 ўринга 60-65 сувчи ишлаб, кунига 30 гектар ердаги ғўза суғорилмоқда, холос. Колхоз правлениеси шундай долзарб кунларда дала ишларига қатнашмай, ўз шахсий ишлари билан шуғулланиб юрган 100 дан ортиқ колхозчини ишга жалб қилганларида эди, барча майдондаги ғўза ҳозиргача биринчи сувдан чиқарилган бўларди. Прогулчиларга ҳомийлик қилинди, Уставга мувофиқ чора кўрилмади. 2-участканинг жавобгарлигини олган ҳосилот Мақсудов, партия ташкилотининг секретари Юсунов ўртоқларнинг ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараб, чим етказиб бериш учун участкани транспорт билан таъминламаганликларини кечириб бўлмайди.

Ғўзани суғоришда агротехника қоидаларига риоя қилинмаётир. Қаҳҳоров бошлиқ бригадада катта кэртага сув таралганини кўрдик. Бу ерда бригада бошлиғи ҳам, сувчи ҳам йўқ, сув эгатларга тошиб ётибди. Абдухолиқов бошлиқ бригаданинг 28 гектарлик картасига таралган сув бир текисда оқмаганлигидан бир ери кўллаган, иккинчи ерига нам ҳам тегмаган, ғўза олатароқ суғорилган. Рашид Авулпоизов бригадасида ҳам аҳвол ана шундай. Сув 30-50 метр ергача бормасданоқ тўхтатиб қўйилган. Бу хилдаги суғоришни ҳамма бригадада учратдик. Колхоз раиси, ҳосилот, агроном, активлар мажбуриятнинг катталигини унутиб қўймаганларида эди, 25 процент ердаги ғўзани ўт босиб, чанқатиб қўйилармиди!

Колхознинг Ҳамдамқулов, Арслонов ўртоқлар бошлиқ ва бошқа бир неча бригадасида биринчи чопиқ ҳанузгача тамомланмаган. Ўртоқ Сотимбеков бошлиқ бригадада 24 гектар ердаги ғўза ҳалигача бир марта ҳам чопилмаган. «Чопиқдан чиқарилган» 30 гектар ердаги ғўзани ёввойи ўт ўраб кетибди.

Текширишда колхозда бўшашувчилик юз бергани, ғўза парваришини ўзибўларчиликка ташлаб қўйилганлиги аниқланди. Ўртоқ Қаҳҳоров бошлиқ бригада ишига қараганда ўртоқ Йўлдошев бошлиқ бригадада аҳвол яна ачинарли. Ягана сифатсиз ўтказилган, ҳар бир уяда 7-8 тадан кўчат бор. Ёлғиз бу бригадада эмас, кўпчилик бригадада ғўзани ягана қилиб, ортиқча кўчатларни олиб ташлаш керак.

Колхозда ғўзаларни узунаси ва кўндалангига культивация қилиш ҳам кечикаётир. Мавжуд 40 та трактордан далада фақат 8 таси ишлаётганини қандай баҳолаш керак? Колхоз техникани ўз қўлига олгандан кейин ҳам ундан қониқарсиз фойдаланилаётганлиги бизни жуда ачинтирди. Тракторчи Каримов ғўзани 5-6 сантиметр чуқурликда сифатсиз культивация қилиб, колхозчиларни ранжитмоқда. 12-бригададаги бошқа бир тракторнинг тормози бузиқ.

— Бошқа тракторлар қаерда, нега ишламайди, — суриштирдик.

Маълум бўлдики, бир трактор ёқилғи етказиб берилмагандан бекор турса, иккинчисининг афтоли йўқ. Яна бири запас қисм бўлмаслиги сабабли ишламайди.

Ёнилғи, афтол етказиб берилмай, тракторчилар ҳақида ғамхўрлик қилинмаётганлигига колхоз раҳбарлари айбли. Хўш, тракторларнинг ремонт қилинмасдан ётганлигига, запас қисмлар етказиб берилмаётганлигига ким жавобгар? Районда кучли РТС бор. Унга ўртоқ Коломейцев раҳбарлик қилади. У аввалдагидек ваъдага зўр бериб, колхозлардаги тракторларнинг нормал ишлаши ҳақида қайғирмаётир. РТС раҳбарлари ўзларига ишониб топширилган катта ва шарафли ишга масъулиятсизлик билан қарамоқдалар, шу сабабли колхозда культивация, ғўзаларни озиқлантириш, суғориш ишлари ҳаддан ташқари кечикмоқда. РТС раҳбарлари асосий ишни йиғиштириб қўйиб, қоғозбозлик, телефонбозлик билан шуғулланмоқдалар.

Ҳозирги пайтда ғўзаларни кечасию-кундузи суғориш, озиқлантириб, культивация қилиш ва сифатли парвариш қилиш зарур. Ривожланаётган ғўзаларни ўтга бостирмай, эрта шоналаши ва гуллашига эришиш керак. Бунинг учун ишга яроқли барча колхозчини ғўза парваришига сафарбар этиш лозим. Афсуски, колхоз раҳбарларининг талабчан эмаслигидан фойдаланаётган айрим колхозчилар ғўза парваришида қатнашмаётирлар. Меҳнат интизоми бўшашиб кетганидан иккинчи участкада 320 киши ўрнига ғўза парваришида 134 колхозчи қатнашмоқда, холос. Ўртоқ Сотимбеков бригадасидаги 24 колхозчидан 10 киши ишга чиққан. Ўртоқ Йўлдошев раҳбарлик қилаётган бригадада ҳам аҳвол шундай. Ўртоқ Топилов бригадасидаги аҳволни айтмайсизми? Бригадада 60 ўрнига 10 кунда фақат 7 гектар ердаги ғўза чопиқдан чиқарилибди. Арслонов, Араббоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда чопиқ графиги ҳам, суғориш топшириғи ҳам бажарилмайди.

Ҳамма имконияти бор, етарли техникага эга бўлган Сталин номли колхозда аҳвол ана шундай бўлгандан кейин, камқувват «Ўзбекистон», «Коммунизм», Ленин номли колхозлар тўғрисида нима дейиш мумкин? Дала ишлари шу зайилда давом эттирилар экан, юксак мажбурият ҳақидаги ваъда қуруқ гап бўлиб, пахта тарозига тушганда қизариб қолинади. Колхоз раҳбарлари кузда хижолат бўлмаслик учун ғўза парваришини ҳар тарафлама кучайтиришлари зарур.

Б. СУЛТОНОВ,
«Шарқ юлдузи» колхози партия ташкилотининг секретари, ўзаро текшириш бригадасининг раҳбари.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Ўқувчиларнинг кўмаги

(Газетхонлар хатларига обзор)

Дала ишлари қизиб кетган, деҳқоннинг қўли-қўлига тегмаётган долзарб кунларда кўпгина мактаб ўқувчилари бўш вақтларида ота-оналарига ёрдам бериб, пахта далаларида ишламоқдалар, пичан ўрмоқдалар, қурилиш, ремонт ишларида қатнашмоқдалар. Бу ҳақда редакциямизга кўплаб хатлар келаётир.

Сирдарёлик **Қ. Кенжаев** 7-мактабнинг 300 га яқин ўқувчиси Охунбобоев номли колхоз далаларида ғўза парвариши ишида иштирок этаётганликларини хабар қилади. «Ўқувчилар, — деб ёзади автор, — кунига 3-3,5 гектар ердаги ғўзани ягана қилиб бердилар». Оққўрғон районидаги 4-еттийиллик мактаб ўқувчиларининг ғўза парваришида қатнашаётганликлари тўғрисида мухбирларимиздан **М. Ойдинов, Н. Белгибоев, М. Юсупов, А. Имомов** ўртоқлар ҳам ёзиб юборганлар.

4-«Боёвут» совхози далаларида ўқувчиларнинг ота-оналарига катта ёрдам бераётганликларидан завқланган колхозчи **К. Назарбеков** қуйидагиларни ёзади: «27-мактабнинг ўқувчилари ўз ота-оналари меҳнат қилиб кўкартираётган ғўзаларни парвариш қилиш ишига астойдил киришганлар.

Колхозларда ўташ, чопиқ ишлари жуда қизғин бораётган пайтда колхозчиларга ўқувчилар яхши ёрдам бераётганликлари ҳақида янгийўллик **А. Нишонбоев,** чинозлик **Т. Мамажонов, Амирбоев, К. Довурбоев, О. Оқмирзаев, П. Укубоев, У. Назаралиев, П. Имомқулов, Ш. Давлатов, Р. Қодирқулов** ва **С. Алиев** ўртоқлар ҳам хабар ёзганлар.

Верхне-волинскдан **М. Агалиев** ва **Р. Каримов** ўртоқлар юборган «Ўқувчилар ташаббуси» сарлавҳали хабарда: «6-ўрта мактаб ўқувчилари мактабни оталикка олган Куйбишев номли колхознинг 30 гектар ердаги жўхорисини парвариш қилиб, ундан юқори ҳосил олиш ва силос бостириш, шундай қилиб колхоз ишига амалий ёрдам бериш учун фидокорона меҳнат қилаётирлар» дейилади. Газетхонлардан **Д. Содиқов, Э. Туркменов** ва **Т. Имомов** ўртоқлар ҳам ўз хабарларида мактаб ўқувчиларининг ана шундай ёрдамлари ҳақида қизиқарли фактлар келтирганлар.

Бу тўғрида ҳам редакциямизга кўплаб хат келиб турибди. Орджоникидзе районидаги 37-мактаб ўқувчиларининг Оржоникидзе номли колхозда пилла қурти боқишда ва пилладан мўл ҳосил етиштиришда актив иштирок этганликлари ҳақида ўртоқ **Х. Ҳошимов,** шунингдек мактаб ўқувчиларининг пиллачиларга ёрдами тўғрисида **Р. Норматов, Р. Раҳимов** ўртоқлар ҳам хабар ёзиб юборганлар.

Паркент районидаги Карл Маркс номли 1-мактаб ўқувчилари райондаги «Коммуна» колхозининг 200 гектар пичанзоридан 240 тонна пичан ўриб беришга, 30 гектар бедазорни уч марта ўришга аҳд қилганлар. Бу тўғрида газетхон **Х. Усмонов, Р. Ёқубов** ўртоқлар хат ёзганлар. **И. Йўлдошев, Ш. Аъламов, С. Холназаров, М. Хасанов** ва **С. Шерматов** ўртоқлар ҳам мактаб ўқувчиларининг колхоз аъзоларига яхши ёрдам кўрсатаётганликлари тўғрисида хабарлар юборганлар.

Ўқувчиларнинг ёрдамларидан колхоз правлениелари, колхоз аъзолари, айниқса кексалар хурсанд. Улар бегона ўт, зарарли ҳашаротларга қарши актив курашаётган, дала ишларида актив қатнашаётган ўқувчилардан миннатдор бўлмоқдалар.

Оталик ёрдамини кучайтирмоқдалар

Социалистик Чирчиқ шаҳрининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларига жавобан қишлоқ хўжалигига ёрдамни ҳар томонлама кучайтирмоқдалар. Электрохимия комбинати, «Чирчиксельмаш» заводи каби йирик корхоналарнинг коллективлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бу корхоналар ишлаб чиқараётган минерал ўғитлар, машиналар Ўзбекистон ва қардош республикаларда пахтачиликни ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини тараққий эттиришга катта ёрдам бермоқда.

Шу билан бирга шаҳар саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари областимизнинг энг йирик пахтакор районларидан бири бўлган Боёвут районидаги совхоз ва колхозларга оталик ёрдами кўрсатишни тобора яхшиламоқдалар. Ҳозирги вақтда шаҳарда қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига ёрдам бермаётган битта ҳам коллектив қолмади. «Ўзбекхиммаш», «Чирчиксельмаш» корхоналари, 160-қурилиш тресги, электрохимия комбинати оталик ёрдами беришни намунали ташкил этмоқдалар. Бу корхоналар коллективларининг ўз оталикларидаги колхоз-совхоз меҳнаткашлари билан алоқалари кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда.

«Ўзбекхиммаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари оталикдаги 3-«Боёвут» совхозига катта ёрдам бераётирлар. Завод коллективи совхоз хўжалигининг ёрдамга муҳтож соҳалари учун зарур бўлган материалларни ўз вақтида етказиб беришга алоҳида аҳамият бермоқда. Жумладан, совхозга турли материаллар, кесиш ва ўлчаш асбоблари, 300 килограммдан ортиқроқ электрод юборилди. Чорвачиликни ривожлантириш учун зарур бўлган иккита сув-напор башнясининг баки, битум пишириш печи совхозга жўнатиш учун тахт қилиб қўйилди. Кўклам экиш кампанияси бошланган дастлабки кунларда етти кишидан иборат механизаторлар бригадаси совхозга келиб, қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилишда актив иштирок этди.

«Чирчиксельмаш» заводи машинасозлари 4-«Боёвут» совхозини оталикка олиб, унга турли маркадаги қишлоқ хўжалик агрегатлари, жумладан 6 та НКУ-4,6, 2 та КЗУ-0,3«А», 5 та КЗУ-0,3«Б», 10 та УКП-«А» машиналари билан бирга 10 минг сўмлик запас қисмлар бердилар ҳамда кўчма автоустахонани жиҳозладилар. Корхона коллективи совхознинг 30 ёш ишчисини токарлик, слесарлик, темирчилик касбларига ўргатишга қарор қилди. 160-қурилиш тресги Жданов номидаги қишлоқ хўжалик артелига кўчма механика устахонаси, слесарлик асбоблари комплекти, автоген аппарати берди, бинокорлар колхоз клуби қурилишига ҳисса қўшмоқдалар, ёшларга бинокорлик касбларини ўргатаётирлар.

Электрохимия комбинатининг кўп минг кишилик коллективи ўз оталигидаги «Коммунизм» колхозининг ремонт-техника базасини яратишда катта ишлар қилмоқда. База учун токарлик, чархлаш станоклари, слесарлик верстаги, трансформатор, ҳаммаси бўлиб 300 дан ортиқ хилма-хил асбоб-ускуналар, шунингдек колхоз электр линияси қурилиши учун 100 дона симёғоч етказиб берилди. Бу линияни монтаж қилишда комбинат мутахассислари ҳам ишламоқда.

Шаҳардаги бошқа саноат корхоналари ҳам Боёвут район пахтакорларига ёрдам беришда актив иштирок этмоқдалар. «Электромаш», қаттиқ қотишмалар заводи, Юмалоқ темир-бетон буюмлари комбинати, пойафзал фабрикаси коллективлари ўз оталикларидаги қишлоқ хўжалик артелларида кўчма механика устахоналари ташкил этишда қатнашмоқдалар, уларни станоклар, пайвандлаш аппаратлари, слесарлик ва бошқа асбоблар билан ускуналамоқдалар.

М. МИРАЗИМОВ,
Чирчиқ шаҳар Советининг депутати.

Юқори ҳосилли бригадада

Калинин районидаги «Коммунизм» колхозининг ўртоқ Абдувоҳид Каримов бошлиқ бригада пахта далаларида бўлдик. Сифатли парвариш қилинаётганлиги туфайли қулф уриб ўсаётган, бир текис шонага кирган ғўзалар далага файз бахш этган.

Бригада аъзолари бу йил 59 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар. Ана шу мақсад билан техникадан тўла ва унумли фойдаланилмоқда. Ишчи кучлари ғўза парваришига тўла сафарбар этилган. Натижада культивация, чопиқ, озиқлантириш ва суғориш ишлари белгиланган агротехника муддатларида сифатли ўтказилмоқда. Бригаданинг дала шийпони маданий дам олиш жойига айлантирилган, ясли ташкил этилиб, болали аёлларга қулай иш шароити яратилган, иссиқ овқат ташкил қилинган. Бу эса пахтакорларнинг унумли меҳнат қилишларига кенг имконият бермоқда.

Ж. Ҳасанхўжаева, Ф. Соипов, Қ. Султонов ўртоқлар каби бригаданинг илғор кишилари юқори ҳосил етиштириш ишига фидокорона меҳнатлари билан муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Э. МАМАЖОНОВА.

МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШНИ ТЕЗЛАШТИРАМИЗ

Чўл баҳодирлари

Чўл тунининг оғир сукунатини бехосдан кўтарилган кучли шамол бузди. Шавкат Салом, Абузар, Галя, Дилбар ва Генялар билан Аҳмаджон аканикида телевизор томоша қилиб ўтирган эди. Шу пайт томда аллақандай гувуллаган даҳшатли овоз эшитилди. Шавкат нима бўлди деб, энди остонадан ҳатлаган ҳам эдики, лампочкалар лип этиб ўчди-ю, ҳаммаёқ зимистон бўлди-қолди. Мастернинг кетидан бошқалар ҳам ташқарига югуриб чиқишди.

Осмонни қопқора булут қоплаб олиб, шамол борган сари зўраймоқда. Ҳаёл ўтмай ёмғир ҳам томчилай бошлади. Шавкат худди бир нарсадан ҳовотирлангандай, негадир безовталана бошлади. У Салом ва Геняни олиб, шошилганича тўғон бошига жўнади. Аҳмаджон ака дарҳол уйига қайтиб лампа чироқни ёқди ва телефон трубкасини олиб, Янгиерни сўради. Лекин у қанча бўғилиб чақирмасин, телефонда ҳеч ким жавоб бермади. У, идорадан телефон қиларман деган умидда ўша ёққа югурди. Парторг йўлнинг нариги ёғига ўтганида ёмғир селдек қуйиб юборди. Кучли шамол аралаш ураётган ёмғир бир пасда кўчаларда, чуқурликларда кўлмаклар ҳосил қилди.

Аҳмаджон ака идорадан ҳам Янгиер билан гаплаша олмади, афтидан телефон симлари ҳам, электр линияси ҳам узилиб, симёғочлар қулаб кетганга ўхшайди. Парторг тинимсиз қуяётган жаладан нолиб, ўзича бир нималар деди-ю, у ҳам тўғон томон йўл олди. Лекин мактаб биносига етганида қаршисидан устибоши ивиб кетган, хийли энтиккан Шавкат чиқди.

— Аҳмаджон ака, Аҳмаджон ака, иш чатоқ, тўғонни сел ағдариб кетди, котлованнинг ичи сувга тўлаётир, — унинг кўзлари чақнаб, лаблари титрар эди.

Парторгнинг юзи жиддийлашди, лекин вазмин бир оҳангда деди:

— Сен тезроқ одамларни уйғот. Захарни топиб, Янгиерга юбор. Менинг мотоциклимни олақолсин, телефонда гаплашиб бўлмаяпти. Тўғри автобазага бориб, самосвал ва автокранлар олиб келсин, аҳволни тушунтириб, ёрдам сўрасин...

Шавкат фурсатни қўлдан бермай, югурганича қоронғи кўчага кириб кетди.

Аҳмаджон ака тўғон бошига етиб келганида чақмоқ чақиб, устма-уст кучли момақалдироқ гулдиради. У, ҳалигина ағдарилган тўғондан шовуллаб тушаётган сувни кўриб юраги орқасига тортиб кетди. Сал ўтмай Шавкат ҳам йигитларни бошлаб тўғон бошига етиб келди.

— Аҳмаджон ака, самосвал, кранларни кутиб ўтираберсак котловандан ажралиб қоламиз. Қандай бўлмасин сувни тўхтатишимиз керак. Менингча клуб қурилиши учун келтирилган темир-бетон панелларини тўғонга ташлайверсак дейман. Қаранг. котлованнинг чап қирғоғи ўпирилаяпти.

Ёш мастер сўнгги сўзларни худди йиғлагандай бўлиб гапирди. Йигитлар тадбирли инженернинг гапини маъқуллагандай бош ирғитишди, лекин блокларни қандай қилиб кўтариб келиш мумкин? Ахир унинг оғирлиги бир ярим-икки тоннадан келади-ку. Электр токи йўқлигидан барча кранлар бекор турибди. автокранлар эса жанубий Мирзачўл каналига юборилганича қайтиб олиб келинмаган. Йигитлар «кўпчиликмиз-ку, биргалашиб кўтара оламиз», дейишди ва югурганларича клубга томон кетдилар.

Не-не қийинчиликлар билан келтирилиб, тўғонга ташланган биринчи блокни шаршара котлованга оқизиб, чўктириб юборди. Кутилмаганда рўй берган бу ҳодиса ҳамманинг кўнглини яна ғаш қилди. Шундай бўлса ҳам йигитларнинг руҳи тушмади, улар навбатдаги блокни келтириб бироз оқимга қарши ташлаган эдилар, ҳар қалай уни сув ололмади. Кейингилари ҳам муваффақиятли ташланди.

Ниҳоят, сел суви бўғилди. Котлован бирқадар хавфдан сақлаб қолинди.

Шу куни туни билан насос станциясидагилар мижжа қоқмади. Табиат ҳам тонг ёришгунча қайсарлик қилаберди. Қурувчилар шиббалаб ураётган ёмғирга қарамай, белларидан сув кечиб тўғонни мустаҳкамлашни, котлованда тўпланиб қолган сувни тезроқ чиқариб ташлашни ўйлардилар...

— Сен пастдаги дизелли насосларни ишга солиб, котловандаги сувни қандай бўлмасин чиқариб ташлаш чорасини кўр, — деди Аҳмаджон ака Шавкатга, — мен электр линиясини тузаттираман. Ёмғир тўхташи мумкин, аммо сел оқими ҳали-бери тўхтамайдиган кўринади. Тонггача котловандаги сувни чиқариб ташламасак, меҳнатимиз пучга чиқади. Ахир июнда катта бўзга сув чиқармасак, ваъда берганмиз, юзимиз шивит бўлиб қолади. Мен разъездга чиқиб поезд билан Янгиерга жўнайман. Йигитларингга айт, нима бўлса ҳам яна озроқ чидаб беришсин...

Парторг кетгач Шавкат Геня, Салом, Дилбар ва Галялар ёмғирдан ўзларини панага олиб ўтирган томон юраркан, ҳали насос станцияси қурилиши бошланган кунлардаёқ парторгнинг аввал тўғонни мустаҳкамлаш кераклиги тўғрисида берган маслаҳатини эслади. У ўзини-ўзи роса койиди: «ким айтади сени инженер-гидротехник деб, ишлаб чиқариш практикасини Новосибирск ГЭСи қурилишида ўтказганлигимни эшитганлар, суф сендақа инженерга, демайдими!»...

Мастер секин Абузар ёнига келиб ўтирар экан, дўстларининг авзойига назар ташлади.

— Кимни кутаяпмиз, Шавкат? Ишни бошлайберсак деймаң, — деди Абузар.

— Сабр қил, йигитлар бироз мизғиб олишсин.

— Шунақа маҳалда уйқу келармиди.

Йигитлар шу зайлда не маҳалгача бекор ўтиришди. Шавкат палаткадан чиқиб котлован қирғоғига яқинлашди. Бу маҳал шамол бироз шаштидан қайтган бўлса-да, лекин ёмғир тинмаган эди. Тун хийли оққан, ҳаммаёқ қопқоронғи, милтиллаган ёруғ кўринмайди. Котлован ўртасида қаққайиб турган 15 тонналик кўтарма кран тун қоронғусида аранг кўзга чалинади.

Бироз вақт ўтгач, мастернинг кетидан Геня билан Абузар чиқишди. Ёши йигирма бешлар чамасидаги бу икки навқирон, хушчақчақ, дилкаш йигитлар Шавкат билан шу иншоот қурилишида худди ака-укадек бўлиб қолишган эди. Абузар Шавкатга қараб гап қотди:

— Шамол тинаяпти, ҳадемай ёмғир ҳам тўхтаб қолар. Қимирлаган қир ошади дейишади. Ўтираверсак дейман, ўртоқ мастер, котлованни ивитиб қўярмиз. Кўплашсак насос трубаларини ҳам бояги блоклардек думалатиб келтира оламиз, нима дейсан Геня?

Геня ҳам, палаткада ўтиравериб зериккандан ҳозиргина ташқарига чиққан йигитлар ҳам унинг гапини қўллашди.

Азаматлар тўғоннинг нариги ёғидаги оғир насос трубаларидан бирини уч қисмга бўлиб, не-не машаққатлар билан котлованга туширдилар. Насос дизели ишга тушиб, кучли босим котловандаги сувни трубадан ташқарига ота бошлади. Бироқ биргина насос билан котловандаги сувни тонг отгунча чиқариш қийин эди. Запасда турган йигирма чоқли дизель насосларининг ҳаммаси ишга туширилмаса, Абузар айтганидек, котлован қирғоқлари ивиб, ўпирилиши турган гап. Шавкат йигитларнинг ҳолдан тойганлигини яхши билар, шунинг учун ҳам уларга бир нима дейишга тили бормасди. Аммо улар ҳам аҳволнинг танглигини билардилар. Азаматлар ҳамма оғирликни ўз устларига олиб, навбатдаги насос трубасини ҳам котлованга ётқиздилар. Ҳар икки трубадан отилиб чиқаётган лойқа сув пастга қараб шовуллаб оқа бошлади. Лекин денгиздек чайқалиб турган котловандаги сув пасаймас, бу эса табиат стихияси билан мардонавор курашаётганларнинг ғазабини янада оширарди. Шу пайт котлованнинг нарёғидан бир неча метр қирғоқ ўпирилиб тушди. Нима қилиш керак? Ҳаммада шу савол!

— Оғайнилар, ҳар қанча қийин бўлмасин, котлованни сақлаб қолишимиз керак! — Мастернинг янгроқ овози ҳеч қачон бунчалик дадил эшитилмаган, ҳеч қачон бунчалик жиддий оҳанг касб этмаган эди...

Нима бўлди-ю, аксига олгандек, ёмғир яна кучайди. Аҳён-аҳёнда чарақлаб кетган чақмоқ ер-у кўкни кундуздек ёритар, унинг ўткир ёғдуси сув билан яккама-якка олишаётган чўл баҳодирларининг ҳорғин, лекин жиддий чеҳраларига тушар ва эртаклардаги каби ажойиб қаҳрамонликлар манзарасини эслатар эди.

Шавкат, Геня, Салом, Абузар, Дилбар ва Галяларнинг фикри-зикри қандай бўлмасин тонг ёришгунча котловандаги сувни чиқариб ташлаш, сўнгра тўғонни мустаҳкамлаб насос станциясини ваъда берилган кунда ишга тушириш билан банд.

Шамол ва ёмғир тинди. Осмон гумбазидаги булутлар орасидан тонг юлдузи — Зуҳра аста жилмайди. Чўл табиати яна сокинлик касб этиб, атрофга зебу-зийнат киритди. Аммо табиатнинг ана шу гўзаллигини бир группа ёшларгина — чўл мардларигина пайқамас эдилар. Улар курашаётган майдонда жанг ҳали ҳам давом этмоқда эди...

Эрталаб Янгиердан бир нечта автокран, самосвал келди. Кранлар ёрдамида насосларнинг ҳаммаси ўрнатилиб, пешинга қолмасдан котловандаги сув чиқариб ташланди. Ҳа, мардлар матонати туфайли улкан котловандаги сел суви чиқазиб ташланди.

Шавкат ўз йигитлари билан бир кеча-кундуз котлован бошидан жилмади. Улар қолган-қутган бетон ишларини ҳам саранжом қилиб, уйга кеч қайтдилар. Бутун посёлка уларнинг тундаги ишларидан хабардор эди.

Орадан икки ҳафта ўтгач, бутун посёлкада насос станцияси ишга тушириламиш, катта бўз юқорисидаги канал ҳам қазилиб бўлибди, сув чиқармиш, деган хушхабар тарқалди. Каттаю-кичик насос станциясига бориб, уни томоша қилар, ичи ғордек кенг катта трубаларни кўриб, шу трубадан сувнинг 25 метр баландликка отилиб чиқишига ишонмас эди...

Сиз «Катта бўз» қаерда деб сўрарсиз. Бу жойнинг қадимий номи ҳам, янги номи ҳам шу — Катта бўз. Янгиер шаҳри билан «Фарҳод» совхози, Ховос билан 59-разъезд туташган катта массивни Катта бўз деб аташади. Унинг жисми исмига мос. Унинг бағрида йигирма минг гектар бўз ер бор. Ҳадемай, ана шу бўзга сув келади. Буни посёлкадагиларгина эмас, бутун Мирзачўл кишилари ҳаяжон билан кутишаяпти...

Мана, тер тўкиб қилинган меҳнат ўз натижасини берди. Жанубий Мирзачўл каналидан Катта бўзга секундига 16 кубометр сув чиқариш қувватига эга бўлган йирик электрнасос станцияси қурилиб бўлди. Тонг ёришгач, азим Мирзачўлнинг шу улкан қисмидан абадий ҳаёт суви оқади. Бу ерлар ҳам катта водийнинг боғ-роғлари каби албатта обод ва кўркам бўлади.

Бугун қурувчилар посёлкасида катта байрам. Олтинчи беш йилликнинг йирик иншоотларидан бири ишга тушириладиган кун нишонланмоқда. Ҳамма шу ерда. Биз ҳикоя қилган Шавкат Толипов бошлиқ азаматлар — моҳир бетончи Геннадий Андреев, дилкаш кранчи Абузар Маметов, ғайратли Салом Аюпов, экскаваторчи Захар Ивановларнинг дилида қувонч. Давлат комиссияси қурилишнинг сифатини юқори баҳолади, фидокор бетончиларни, механизаторларни қимматбаҳо буюмлар билан тақдирлади.

Яқинда Мирзачўл воҳасида бўлганимизда Шавкат ва унинг йигитлари билан яна учрашдик. Аҳмаджон ака ҳам шу ерда экан. Улар Мирзачўл ГЭС қурилишига бормоқчи эканликларини айтдилар. Биз метиндек мустаҳкам тўғон устида туриб, бундан бир ой муқаддам бўлиб ўтган воқеалар ҳақида анча гурунглашдик. Атроф сокин эди. Ёз фаслининг сўлим тонгида қуёшдан барвақт уйғониб, тиниқ кўкнинг тоза ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олганга нима етсин. Кўпинча одамлар чўл ҳақида гап кетганида «нимасини айтасиз, чўл ўз номи билан чўл-да, унда қандай файз бўларди», дейишади. Лекин унинг сўлим баҳори, салқин шабадасидан баҳра олмаганлар, бу ернинг ажойиб меҳнаткашлари — дилкаш бинокорлари, деҳқонлари билан суҳбат қурмаганларгина шундай тасаввурда!

Бу ерларнинг ҳам ўзгача гашти бор. Сиз чўл майсадан либос кийганида, лолазорларнинг қизил алвони эрта тонг шабадасида майин ҳилпираганини кўрганмисиз? Ёзнинг иссиқ ҳароратидан энтикиб, чарчаб кетаётганингизда бу ерлардаги каналлар, сарҳовузлар ёқасида, сербарг дарахтлар соясида ҳузур топганмисиз?..

Мирзачўл ёзининг бугунги тонги ҳам ана шундай завқли, тотли. Қуёш қорли чўққилар орқасидан секин бош кўтариб ўз юмушига киришади. Унинг олтин шўласи аввал, ҳа, энг аввал янги иншоотнинг баланд қуббасига, канал билан битта бўлиб оқаётган тиниқ сувни оҳиста силаб ўтиб, сўнгра бутун чўлга таралади. Мирзачўл қаҳрамонлари билан хайрлашаётганимизда, биз ҳам ана шу манзарадан ҳузур топдик...

Абдукарим АБДУАЗИМОВ.
Янгиер шаҳри.

Социализм ҚУРАЁТГАН мамлакатларда

Албания Меҳнат партияси марказий комитетининг пленуми

ТИРАНА, 21 июнь. (ТАСС). Матбуот, 20 июнда Албания Меҳнат партияси марказий комитетининг пленуми бўлиб ўтганлигини хабар қилди. Пленум Албания Халқ Республикаси халқ мажлисига ўтказилган сайлов натижалари тўғрисида; иқтисодий ўзаро ёрдамлашиш кенгашида қатнашувчи мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари кенгашининг якунлари тўғрисида; Тито группасининг марксизмга ва социализмга қарши қарашлари Югославия коммунистлар союзининг VII съездида ва Югославия Коммунистлар союзи программасида янада пайдо бўлганлиги тўғрисида, шунингдек ҳозирги замон ревизионизмини фош қилиш, сиёсий ва гоявий жиҳатдан тор-мор келтириш учун муросасиз кураш олиб бориш зарурлиги тўғрисида, Албания Меҳнат партияси делегациясининг Болгария Коммунистик партияси VII съезди ишларида қатнашганлиги ва съезднинг якунлари тўғрисида Албания Меҳнат партияси марказий комитетининг биринчи секретари ўрток Анвархўжанинг докладини тинглади ва муҳокама қилди.

Пленум ўрток Анвархўжа докладини якдиллик билан маъқуллади ва тегишли қарорлар қабул қилди.

Албания Халқ мажлисининг сессияси

ТИРАНА, 22 июнь. (ТАСС). Албания Халқ Республикаси тўртинчи чақириқ халқ мажлисининг биринчи сессияси ўз ишини тамомлади.

Бугун эрталабки мажлисда депутат Пиро Колеканинг таклифига мувофиқ, сессия Халқ мажлисининг президиумини сайлади. Хожи Леши яна Халқ мажлиси президиумининг раиси қилиб сайланди. Нило Перистери, Муслим Пеза ва Александр Жувани унинг ўринбосарлари қилиб сайландилар. Сами Бахолли президиумнинг секретари қилиб сайланди. Халқ мажлиси Аранит Челни Албания Халқ Республикаси бош прокурори қилиб ва Шуаип Панаритини республика олий судининг раиси қилиб сайлади. Халқ мажлиси Албания Халқ Республикаси Министрлар Советини якдиллик билан қуйидаги составда тасдиқлади: Мехмет Шеху — Министрлар Советининг раиси, Спиро Колека — Министрлар Советининг раисининг биринчи ўринбосари, Бекир Балуку — Министрлар Советининг раисининг биринчи ўринбосари ва халқ мудофааси министри, Мануш Мафтиу — Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари ва маориф ҳамда маданият министри, Кочо Теодоси — Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва Давлат план комиссиясининг раиси, Абдул Келэзи — Министрлар Совети раисининг ўринбосари, Одил Чарчани — саноат ва кон-руда саноати министри, Матьо Гомо қишлоқ хўжалик министри, Бехар Штюла — ташқи ишлар министри, Кичо Идьеля — савдо министри, Иосиф Пашко — қурилиш министри, Кадри Хазбиу — ички ишлар министри, Билбил Клоси — юстиция министри, Тонин Якова — коммуникациялар министри, Тати Скенди — соғликни сақлаш министри, Алекс Верли — молия министри, — Шефтьет Печи — давлат контроль комиссиясининг раиси, Жофер Спахиу — лавозимсиз министр.

Сессияда Албания ҳукуматининг бошлиғи Мехмет Шеху программ нутқи сўзлади.

Сессия Халқ мажлисининг икки сессияси ўртасидаги даврда қабул қилинган фармонларини тасдиқлади.

Чехословакия Коммунистик партияси XI съезди тамом бўлди

ПРАГА, 21 июнь. **(ТАСС махсус мухбири).** Чехословакия Коммунистик партиясининг XI съезди бугун ўз ишини тамомлади.

Охирги мажлисда сайлов комиссиясининг раиси Р. Барак сўзга чиқиб, партия раҳбар органларини сайлаш натижаларини эълон қилди. Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети составига 97 аъзо ва 50 кандидат сайланди. Марказий ревизия комиссияси составига 25 аъзо сайланди.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан резолюция ишлаб чиқиш комиссиясининг раиси Я. Доланскийга сўз берилади. У, партия Марказий Комитетининг ва Марказий ревизия комиссиясининг фаолиятини тўла равишда маъқуллашни ҳамда XI съезд резолюцияси проектини социализм қуриш учун курашда директивалар деб маъқуллашни таклиф этади. Я. Доланский партия уставига баъзи ўзгартишлар киритишни ҳам таклиф қилади. Съезд Я. Доланский киритган таклифларни якдиллик билан қабул қилади.

Ўрток А. Новотний съездни ёпиш вақтида сўзлаган қисқача нутқида съезднинг социализм қурилишини тугаллашга қаратилган қарорлари сўзсиз бажарилади, деб ишонч билдирди. Партия билан халқнинг бирлиги, Чехословакиянинг социалистик лагерга ва халқаро революцион ҳаракатга мансуб бўлганлиги, Совет Иттифоқи билан абадий иттифоқи бунга гаровдир. А. Новотний съезд ишида қатнашган қардош коммунистик ва ишчи партиялар делегатларига ташаккур изҳор қилади.

Ўрток Новотнийнинг нутқи гулдурос қарсаклар ва «Яшасин Чехословакия Коммунистик партияси», «Яшасин КПСС», «Яшасин Совет Иттифоқи», «Яшасин совет-чехословак дўстлиги», «Яшасин жаҳон революцион ҳаракати», «Яшасин тинчлик!» деган хитоблар билан бўлиниб турди.

Съезд делегатлари гоят баланд руҳ билан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, КПСС Марказий Комитетига Чехословакия Коммунистик партияси XI съездидан табрик қабул қилдилар.

Съезд ёпиқ деб эълон қилинади.

Съезд делегатлари баланд руҳ билан «Интернационал» куйлайдилар.

Чехословакия Коммунистик партиясининг XI съезди зўр сиёсий активлик вазиятида ўтиб, Чехословакия Коммунистик партияси сафларининг монолит бирлигини, унинг марксизм-ленинизм улуғ таълимотига, пролетар интернационализми ишига фидокорона садоқатини намойиш қилди.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми

ПРАГА, 22 июнь. **(ТАСС махсус мухбири).** Чехословакия Коммунистик партияси XI съезди ўз ишини тамомлагандан кейин партия XI съездида сайланган ЧКП Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум Чехословакия Компартияси Марказий Комитети раҳбар органларини сайлади.

Пленумда Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси қуйидаги составда якдиллик билан сайланди:

Сиёсий бюро аъзолари: К. Бацилек, Р. Барак, П. Давид, Я. Доланский, Э. Фирлингер, И. Гендрих, В. Копецкий, А. Новотний, О. Шимунек, В. Широкий;

Чехословакия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидатлар: Я. Глина, Л. Янковцова, Р. Стрехай.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб ўрток А. Новотний бир оғиздан сайланди.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари қилиб О. Черник, И. Гендрих, Б. Келер, В. Крутина, В. Коуцкий сайландилар.

Секретариат аъзолари қилиб А. Крчек, Ф. Зупка ҳам сайландилар.

Партия контроль комиссияси сайланди. Комиссия раиси — Я. Гарус.

Чехословакия Компартияси Марказий ревизия комиссиясининг мажлисида Марказий ревизия комиссиясининг раиси қилиб И. Штетка сайланди.



Польша Халқ Республикаси. Суратда: Хожувдаги Костюшка номли металлургия заводи.

Польша Марказий фотоагентлигининг фотоси.

МЎҒУЛИСТОН-СОВЕТ ДЎСТЛИГИ ТОБОРА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Мўғул-Совет дўстлиги ойлигининг биринчи ҳафтаси якунлари

УЛАН-БАТОР, 21 июнь. (ТАСС). Монцамэ агентлигининг хабар беришича, Мўғул-Совет дўстлиги ойлигининг биринчи ҳафтасида хилма-хил, кенг ва мароқли тадбирлар ўтказилди. Тўла бўлмаган маълумотларга кўра, 78 мингга яқин киши совет фани ва техникасининг катта муваффақиятлари тўғрисидаги, Ер учинчи сунъий йўлдошининг учирилганлиги тўғрисидаги, совет химия саноати ривожланишининг кенг перспективалари тўғрисидаги, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасидаги муваффақиятлар тўғрисидаги, совет хирургиясининг муваффақиятлари тўғрисидаги лекциялар, суҳбатлар ва радио эшиттиришларни тинглаган.

Пойтахт корхоналари ва муассасаларида Совет мамлакатида гидроэлектростанциялар қурилишига, совет фани ва санъатининг ривожланишига бағишланиб 400 дан ортиқ фотовитриналар ва виставкалар ташкил этилган. Шаҳар аҳолисининг эътиборини жалб этган бу виставкаларни 10 мингга яқин киши келиб кўрган.

Пойтахт кинотеатрларининг экранларида совет кинофильмлари муваффақият билан кўрсатилмоқда.

Кеча Улан-Баторда Мўғул-Совет дўстлиги ойлигининг иккинчи ҳафтаси — «Москва» ҳафталиги бошланишига бағишланиб, жамоатчилик вакилларининг йиғилиши бўлди.

Хитойда янги металлургия комбинати

ПЕКИН, 21 июнь. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг хабар беришича, Тунхуа шаҳрида (Цзилинь вилояти) ўртача қувватга эга бўлган янги металлургия комбинати қурила бошлаган. Шу йилнинг охиригача икки домна ишга туширилади. Комбинат қурилиши 1960 йилда қурилиб бўлади.

Комбинат йилига 1.200.000 тонна чўян, 600.000 тонна пўлат қуйилмалар, 500.000 тонна прокат, 1.200.000 тонна кокс ва 400.000 тонна химик ўғитлар ишлаб чиқаради.

Комбинат мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган машина-ускуналар билан таъминланади. Унинг проектини хитой мутахассислари тузган.

Чанчунь трактор заводи қурилиши

ПЕКИН, 21 июнь. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг Чанчундан хабар беришича, у ерда янги трактор заводи қурила бошлаган. Бу завод Цзилинь дизель заводи базасида қурилмоқда.

Завод ишга туширилгандан кейин йил сайин 7-10 минг трактор ишлаб чиқаради.

Янги трактор заводи қурилиши Цзилинь вилояти қишлоқ хўжалигида техника тараққиётини тезлаштиради.

Завод 1959 йилнинг бошидаёқ ишга туширилади ва ўша йилнинг ўзида тахминан 5 минг трактор ишлаб чиқаради.

Қизиқарли виставка

Пойтахтнинг Карл Маркс кўчасига жойлашган бадиий салонда Тошкент тўқимачилик комбинати рассомларининг асарлари виставкаси ташкил қилинди. Виставкага қўйилган экспонатлар ўзининг ранг-баранглиги ва чиройли ишланганлиги билан диққатга сазовордир. Турли гуллар этюди, газмолларни декоратив жиҳатдан безаш учун ишланган эскизлар планшети ва читга гул босиш фабрикасида тайёрланган маҳсулотларни тамошабинлар зўр қизиқиш билан кўздан кечирмоқдалар.

Экспонатлар тагига қуйидаги фамилиялар ёзиб қўйилган: М. Арслонов, И. Гартван, Л. Масленникова, опа-сингил Чеховскаялар, Завялова ва бошқалар. Экспонатлар бу ўртоқларнинг газмолларни безаш моҳирлари эканлигини тасдиқлаб турибди. Газмолларни бадиий жиҳатдан безайдиган комбинат рассомлари орасида тажрибали кексалар ва ёшлар ҳам бор. Виставка экспонатлари ана шу кекса ва ёш рассомлар билан тўқимачиларнинг ўзаро ҳамкорлиги самарасидир.

Рассомлар ўз ижодларида харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини доимо ҳисобга оладилар. Шунинг учун ҳам газламалардаги кўпчилик гуллар ўзбек халқи миллий тасвирий санъатининг энг яхши традициялари асосида ишланган.

Тўқимачилик комбинати рассомлари ижодининг биринчи виставкаси газламаларни янада гўзал ва сифатли қилишга кўп жиҳатдан ёрдам беради. Шаҳар меҳнаткашлари виставкани зўр қизиқиш билан тамоша қилмоқдалар.

Суратда: виставка стендлари олдида.

В. Панов фотоси.

Мевазорлар майдони кенгайди

КАЛИНИН, **(«Тошкент ҳақиқати» мухбиридан).** Райондаги Охунбобоев номли колхоз правлениеси мевазор боғлар майдонини кенгайтириб, ҳосилдорлигини ошириш тадбирларини кўраётир.

Колхоз кўкламда 2,5 минг туп кўчат ўтқазиб, олмазорларни 25 гектарга етказди ва катта шафтолизор барпо этди. 30 гектар ерда янгидан ёнғоқзор вужудга келтирилди. 10 гектар ерга ток ўтқазилиб, узумзор боғ бу йил 40 гектарга етди.

Янги мевазор боғлар кенгайтирилиши, улардан мўл ҳосил етиштириш Тошкент шаҳри ва Иттифоқимизнинг саноат шаҳарларига кўплаб ширин-шарбат узум, олма ва бошқа турли мевалар етказиб бериш имкониятини беради.

Эски боғлар, янги ўтқазилган мева дарахтлари агротехника қоидалари асосида парвариш қилинмоқда. Эртаги мевалар бирин-кетин пишаётир. Колхоз правлениеси келгуси йилда мевазор боғларни янада кенгайтириш режаларини тузмоқда.

Янгиер шаҳрида

АГИТАТОРЛАР УЧУН ДОИМИЙ СЕМИНАР

Шаҳар партия комитети аҳоли ўртасида агитация ишларини яхшилаш мақсадида агитаторлар учун доимий ишловчи семинар ташкил қилди. Яқинда семинарнинг биринчи машғулоти бўлиб ўтди. Унда агитация ишлари юзасидан тажриба алмашинди. Шунингдек, семинар қатнашчилари шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири ўрток Хошимовнинг оммавий агитация ишларининг форма ва методлари ҳақидаги докладини тингладилар.

БОЛАЛАР ЯХШИ ДАМ ОЛАДИЛАР

Мирзачўлни ўзлаштирувчиларнинг болаларидан бир группаси яқинда «Вревский», «Урожай», «Турист» пионер лагерида дам олиш учун жўнаб кетди. Бу йилги ёзги мавсумда чўлни бўйсундирувчиларнинг 400 га яқин ўғил-қизлари республикамизнинг турли пионер лагерларида дам оладилар. Шаҳар болалар боғчаси ёз мавсумида туриш учун Тожикистоннинг хушманзара жойи — Уратепага кўчиб кетди.

ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР

Яқинда «Голодностепгэсстрой»нинг қурилиш участкаси 2 та икки қаватли уй-жой биносини битказиб фойдаланишга топширди. Бу янги уйларга қурувчи ва механизаторларнинг 30 оиласи кўчиб кирди.

Бу йил эса шаҳарда ҳаммаси бўлиб умумий майдони 20 минг квадрат метрдан иборат 300 дан ортиқ уй-жой биноси қурилади.

Е. ГОДОВИКОВ.

ЕР УЧИНЧИ СУНЪИЙ ЙЎЛДОШИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА

Учинчи сунъий йўлдош 23 июнь эрталаб соат олтига қадар Ер атрофини 526 марта айланиб чиқди.

Учинчи йўлдош ва уни учирган ракетани ҳаво очиқ, булутсиз бўлганида эрталаб қуёш чиқиши олдидан шимолий кенгликнинг 44 градусидан 53 градусигача ҳамда кечқурун қуёш ботгандан кейин жанубий кенгликнинг 60 градусидан 64 градусигача визуал кўриш мумкин. (ТАСС).

ЁШЛАР КУНИ ОЛДИДАН

ЁШЛИК БАЛИ

Ўтган шанба куни кечки пайт Тошкентдаги М. Горький номли болалар парки байрамдагидек ясанган йигит ва қизлар билан гавжум бўлди. Улар бу ерга Ёшлар куни олдидан ўтказиладиган балга тўпланганлар. Ёшлар ўзлари хоҳлаган тамошани кўриш учун ҳар тарафга йўл оладилар.

Ёзлик театр саҳнасида композитор М. Ковальнинг «Бўри ва етти эчки боласи» деган операси намойиш қилинмоқда. Медицина ходимлари клуби ҳаваскорлари спектаклни маҳорат билан саҳнага қўймоқдалар. Очиқ эстрада саҳнасида Киров район бадиий ҳаваскорлари концерт бермоқдалар. «Эстрада конкурси» ёшларда катта қизиқиш уйғотди. 794-УНР ишчиси Р. Келметов «Акробатик этюд» ўйини, А. Ким рус халқ рақси, ўрта мактаб ўқувчиси Р. Отахонова «Ҳинсча рақс» учун конкурс мукофотини олишга муваффақ бўлдилар.

Шундан сўнг оркестрнинг ёқимли садоси бутун паркни қоплаб олади. Қувноқ йигит-қизлар танцаси бошланиб кетади. Ҳамманинг лабида кулги, чеҳрасида қувонч. Бал кечаси эртасига — дам олиш куни ҳам ярим кечагача давом этди.

А. АЛИЕВ.

ФУТБОЛ

МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУН

Якшанба куни футбол бўйича мамлакат биринчилиги учун «Б» классда ўйнаётган «Пахтакор» «Қайрат» (Олмаота) командалари учрашди.

Дастлабки минутларданоқ майдон эгалари ташаббусни қўлга олдилар. Лекин бошланган комбинацияни охирига етказмаслик, айниқса ҳал қилувчи пайтда тўпни дарвозага далил ва аниқ тепмаслик уларга ўйиннинг биринчи ярмида ҳисобни очиш имконини бермади.

Дам олишдан кейин «Пахтакор» командаси ўйин охиригача ташаббусни қўлдан бермади. Ўйиннинг 54- минутида Тазитдинов бурчаклан тепган тўпни Власов қабул қилиб олди ва ҳисобни очади. Орадан 7 минут ўтгач яна бурчаклан штраф берилди. Бу сафар Тазитдинов бурчаклан тепган тўпни Ёқубов боши билан уриб дарвозага киритди. Ўйин охирига яқинлашиб қолганда меҳмонлар «Пахтакор» командасининг ўйинчилари хотиржамликка берилганлигидан фойдаланиб, охирги минутларда бир тўпкиритишга муваффақ бўлдилар.

«Шу билан «Пахтакор» командасининг биринчи даврадаги ўйинлари тамом бўлди. У 15 ўйиндан 8 тасида ғалаба қозонди, 5 тасини дуранг қилди ва 2 тасида ютқазди. Оқибатда команда 21 очкога эга бўлиб, ўйин жадвалида олдинги ўринлардан бирига кўтарилди.

Телевизор экранида

24 ИЮНДА

19.30 Ўрта мактаб ёшидаги болалар учун рус тилида «Костер» телевизион журналининг олтинчи сони.

20.00 «Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференцияси олдидан» деган циклда адабий-драматик эшиттириш. Ҳамза номли театрнинг «Ганг дарёсининг қизи» спектакли олиб кўрсатилади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕЛЕГРАФ ХАБАР ҚИЛАДИ

▲ Деҳлида Хитой Халқ Республикасининг давлат савдо компанияси билан Ҳиндистон Давлат савдо корпорацияси ўртасида 6 ой муддат билан савдо битими имзоланди. Битимга мувофиқ, шу давр ичида Ҳиндистон Хитой Халқ Республикасига ҳаммаси бўлиб 29 миллион рупиялик пахта, муруч, тамаки ва бошқа бир қанча моллар етказиб беради. Хитой Халқ Республикаси ҳам Ҳиндистонга 29 миллион рупиялик каустик ва кальцийлаштирилган сода, газетбоп қоғоз, карбид, кальций ва бошқа саноат моллари етказиб беради.

▲ Америка конгрессининг вакиллар палатаси АҚШнинг иттифоқчилари билан ахборот ва ҳарбий атом материаллари айирбошлашни кенгайтиришни кўзда тутган қонун лойиҳасини маъқуллади.

▲ Афғонистон бош министри Муҳаммад Довуд, президент Эйзенхауэрнинг таклифига биноан, Қўшма Штатларга расмий визит билан жўнаб кетди.

▲ АҚШ кемаларида ишловчи 2 минг механикнинг 5 кун давом қилган забастовкаси тамом бўлди. Забастовкачилар АҚШ нинг Атлантик соҳилида кема эгалари компаниясидан пенсияларни ва отпуска муддатини кўпайтиришга розилик олдилар

21 июнь. (ТАСС).

СССРнинг Бонндаги элчихонасига нисбатан душманчилик мақсадида қилинган иғвогарлик

БОНН, 21 июнь. (ТАСС). Кеча тушдан кейин Бонндаги совет элчихонасига қарши душманчилик мақсадида безориларча иғвогарлик қилинди. Совет элчихонаси олдига тўпланган бир қанча иғвогар ва безорилар бинога тош ва сиёҳ солинган шишаларни иргитдилар. Ана шу безорилик натижасида элчихонанинг дераза ойналари синди, бинонинг олди қисми эса сиёҳ билан булғанди. Ана шу иғвогарлик ҳаракатлари билан бирга оломон орасидан Совет Иттифоқига ва совет элчихонасига нисбатан душманлик руҳидаги гаплар эшитилди.

Элчихона биноси олдига тўпланган безорилар галасининг талайгина қисми Ғарбий Германияда янгидан тикланган фашист ташкилотларнинг қатнашчилари ва Венгриядаги контрреволюцион фитнанинг Ғарбий Германияга қочиб кетган қатнашчиларидан иборат эди.

Фактлар ва чет эл матбуоти хабарлари шуни исбот қиладики, Советларга қарши ана шу иғвогарлик олдиндан пухта тайёрлаб қўйилган. Ғарбий Германиядаги баъзи газеталар воқеалар арафасидаёқ хабар босиб чиқариб, аҳолини совет элчихонасига қарши тайёрланаётган ҳужумда қатнашишга даъват этган эдилар. Шу билан бирга, элчихона биноси олдида иғвогарлик мақсадида тўпланиш учун мўлжалланган вақт ҳам кўрсатилган эди. Германия Федератив Республикасининг расмий маъмурлари бундан хабардор эдилар. Аммо, улар қутуриб кетган антисовет унсурларнинг иғвогорлик ҳуружларидан элчихонани ҳимоя қилмадилар.

Бонндаги хабардор доираларнинг айтишича, совет элчихонасига қарши қилинган иғвогарлик чет эл давлатлари дипломатия ваколатхоналарининг ишлаши ва хавф-хатарсиз бўлиши учун нормал шароитни таъминлаши лозим бўлган кишиларнинг ҳаммасига олдиндан маълум эди. Афтидан, Боннда Германия Федератив Республикаси билан СССР ўртасидаги нормал муносабатларнинг ривожланишини истамаётган баъзи доиралар Венгрия судининг контрреволюцион исён бошлиқлари устидан чиқарган ҳукмидан СССРга қарши душманлик кайфиятларини авж олдириш ва ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларга зарар етказиш мақсадида фойдаланган бўлсалар керак. Совет элчихонаси биноси яқинида турган полициянинг қабиҳ тартибсизликларнинг олдини олиш учун зарур чораларни кўрмай, балки амалда совет элчихонасига қарши иғвогарлик ҳуружлари ташкилотчиларининг ҳаракатларини рағбатлантирганлигини фақат шу нарса билан изоҳлаш мумкин.

УММОНДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ПАРИЖ, 22 июнь. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Дамашқдан билдиради: Уммон имомининг Дамашқдаги ваколатхонаси баёнотида айтилишича, Уммондаги қаршилик кўрсатувчи халқ ҳаракатининг кучлари Изки шаҳрини ишғол қилганлар ва контратака қилаётган инглиз қўшинларига қарши шиддатли жанг олиб бормоқдалар. Инглиз қўшинларига ёрдам бериш учун 30 реактив самолёт, 10 бронемашина ва бир артиллерия дивизиони юборилган.

Қўзғолончи отрядлар, дейилади баёнотда, инглиз қўшинларининг омборига ўт қўйдилар ва шу билан бирга кўп миқдорда ярог-аслаҳа ҳамда ўқ-дориларни ўлжа қилдилар.

ЖАЗОИРДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

ПАРИЖ, 22 июнь. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг билдиришича, кейинги 24 соат ичида Жазоирда қўзғолончилардан 23 киши ўлдирилган.

Францияда жазоирликларга қарши репрессиялар давом этмоқда. Гренобльда Жазоир озодлик миллий фронти аъзоларидан 15 киши қамоққа олинган.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 28/VI да **Оққуш кўли.**

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун кенг экранли фильм **Ўн саккизинчи йил.**

«ИСКРА» (қишки) — кундуз ва кечқурун янги киноповесть **Ўрмондан чиққан уч киши.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **5-номерли баскетболчи қиз.**

«ИСКРА» (ёзги) — кенг экранли фильм **Ўн саккизинчи йил.**

«ВАТАН» — **Ўрмондан чиққан уч киши.**

«САЛЮТ», КАФАНОВ номли — **«Орёл 101».**

«ХИВА» — **5-номерли баскетболчи қиз.**

Тожикистон ССР Кон-руда бошқармасига қарашли

«ТОЖИКУГОЛЬ»ГА

Қурилиш-монтаж бошқармасининг бош инженери, бош механиги ва прораблари вазифасида ишлаш учун, саноат ва граждан бинолари қурилиши ҳамда кон-капитал қурилиши билан таниш **қурувчи, механик инженерлар** ва **техниклар**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тожикистон ССР, Ленинобод область, Шуроб шаҳри.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРНИНГ ЁЗГИ БИНОСИДА

Москвада бўладиган Ўзбек санъати ва адабиёти декадаси олдидан

24 ва 25 июнда

ХОРАЗМ АШУЛА, МУЗИКА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

концертлари

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Мадраҳим Ёқубов** (Шерозий), Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Коммуна Исмоилова,** солистлардан **Раима Ҳакимова, Ўринбой Отажонов, Нурмамат Болтаев, Қувондиқ Искандаровлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар кундуз соат 3 дан сотилади.

Ленинобод область, 2-Олтинтопган, Строительная кўча, 85-уйда турувчи **Василий Шалвович Зандукелининг** Тошкент шаҳар, Шевченко кўчаси, 12-уйда турувчи Вера Андреевна Арутюновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Марказий район, 2-участка халқ судида кўрилади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

(Комсомол кўлидаги ёзги бино)

25 июнда

катта концерт

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Маҳмуджон Ғафуров,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фароғат Раҳматова, Эътибор Жалилова, Абдуғафур Абдураҳмонов,** VI Жаҳон фестивали лауреати **Ҳасан Султонов** ва солистлар қатнашади.

«Равшан ва Зулхумор», «Ватан ишқи» спектаклларидан парчалар кўрсатилади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади.

(қишки бинода)

Москвада бўладиган ўзбек санъати ва адабиёти декадаси олдидан

27/VI кеч соат 9 да, 29/VI кундуз соат 12 ва кеч 9 да **З. Фатхуллин** ва **Ш. Саъдулла** асари, **Собир Бобоев** музикаси

қайта ишланган спектакль

Ватан ишқи

4 пардали музикали драма.

Билетлар сотилмоқда.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808. 136. Совет қурилиши бўлими — 136, Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 06012. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № Б-509.